



ҲАВАС УЙҒОТДИ

Хизмат сафари билан Наманганга кетаётиб, йўл-йўлакай Андижон вилоятидаги Комсомолобод туманига кириб ўтдим. Туман ИИБ биносини кўриб ҳавасим келди. Бинонинг олд қисмида яқиндагина эскирган дарахтлар сафи куртак ёзмоқда. Ҳамма ёқ саранжом-саришта.

Мен ИИБ бошлиғининг ўринбосари милиция майори А. Шерматов билан суҳбатлашганимда, хонага милиция лейтенанти М. Баротов ва кичик сержант Р. Эргашевлар кириб келишди. Улар туман маркази яқинидаги дала шийонида фоҳишалик қилаётган О. Дадамирзаевани хушторлар билан бўлимга келтиришганини маълум қилдилар.

— Булар тунги отлиқ соқчиларимиз, танишинг, — деди А. Шерматов. — Ҳозирча саккиз бош отимиз бор. Айрим тадбирларни амалга оширишда улар жуда қўл келмоқда. Ходимларимиз икки гуруҳга бўлиниб, туну кун отларда юриб, аҳоли пунктларини айланиб чиқишмоқда. Маълумки, ходимларни автомашиналар билан таъминлаш имкони йўқ, бунинг устига бензин масаласи.

Ўринбосарнинг хонасидан чиқарканман, бўлим ҳовлисига кўз югуртирдим. Одатда кўпчилик ИИБда бир хил манзарани кўриш мумкин. Ҳовли фалокатга учраган, пачоқланган турли автоуловлар билан тўла бўлади. Бироқ бу ерда озодалик, саришталик.

А. Шерматов диққатини бурчакда усти ёпиқ турган нарсасига қаратди.

— Бу бизнинг пахта толаминиз. Ўтган йили йиғитларимиз ўз қўллари билан териган. Заводдан келганлар ҳар тоннасига 150 минг сўмдан берамиз, дейишяпти. Мақсадимиз сотиб, бўлимга зарур техника воситаларини харид қилиш.

Ёрдамчи хўжалигимизда эса 30 дан ортиқ қўй-қўзилар боқилмоқда. Битта сиғиримиз ҳам бор. Ниятимиз ходимларимизга иқтисодий ёрдам бериш.

Мен мазкур ИИБдаги ушбу хайрли тадбирларни кўрарканман, ҳавасим келди. Туман ИИБ жиноятчилигининг олдини олиш, ёшларни ички ишлар идораларига хизматга тайёрлаш ва жисмоний чиниқтириш борасида ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда, бу тажрибани ҳар қанча ўргансак арзийди.

Э. ОБИДОВ,
(Муаллиф мақоланинг қалам ҳақини рўзнома фондига ўтказишимизни сўраган).

«Постда» рўзномаси узоқ йиллик танаффусдан сўнг қайта тиклангач, таҳририятга ишга келгандим. Шу пайтгача уни рўзнома ҳолига келтиргунча ўзига яраша қийинчиликларни бошдан кечирдикки, бу ижодий жамоамиз ҳар бир аъзосига маълум. Ҳозирги пайтга келиб эса, озми-кўпми ҳақиқий мухлисларимизга эга бўлган давримизда, қутилмаган мушкулотлар рўбару келди. Бозор иқтисодиёти деб аталмиш ёқимсиз меҳмон «шарофати» билан қороз баҳоси, босмахона, ташиш ва етказиб беришдаги алоқа хизматлари харажатлари кескин кўтарилиб кетдики, бу ҳар биримизни жиддий таъвигига солиб қўйди. Ҳозирча фақат тоза ҳаво учун пул тўламаймиз, холос. Шундай бир паллада рўзнома яшайдими-йўқми, деган таҳлика ҳаманинг оромини ўғирлаши табиий.

Тўғриси айтганда, биз ҳам оддий инсон фарзандларимиз. Қийинчиликлар қаршисида маълум маънода довдираб қолиш, тушқунликка тушиш ҳамда иккиланиш каби хусусиятлардан ҳоли эмасмиз. Шахсан менинг ҳаёлимдан бир қатор таҳликали фикрлар аримаётган: умуман, рўзномамиз чин маънода мухлислар эътиборига сазовор бўлди-йўқми? Улар қийналиб қолганларида, бизнинг кўмагимизга ишонадиларми? Умуман, «Постда»ни бундан кейин ҳам сақлаб қолиш шартмики узи?

Кечагина Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган бир опухоннинг мактуби қўлимга келиб тушди. Уни синчиклаб ўқиб чиққач, боғи тушқунлиги иккиланишларимдан асар ҳам қолмади. Томчида қуёш акс этади, деганларидек, ўша опа тимсолида «Постда»ни ўқиб бориш кўпгина ўқувчилар учун маънавий эҳтиёжга ай-

ланиб қолганини ҳис қилдим.

Яширишдан фойда йўқ, опа, пешонасига шу ёзилган эканми, ҳарқалай, бу ёруғ дунёда шод-хуррамлик нима эканлигини унутиб яшаётган ўта бечорахон юртдошларимиздан бири экан. Билиб-билмаган ҳолда унинг бошига навбатдаги кўргуликлар тушиниша сабабчи бўлиб қолишдан чўчийман ва шу боис унинг исм-шарифини ёзишдан ўзимни тияман. Опанинг фикри ҳам шундоқ бўлса керакки, хат-

дим. Ҳали-ҳануз титроғим босилмапти. Фарзанд инсонга яратганининг ўзи инъом этадиган бебаҳо неъмат. Унинг тирноғини ясаш ҳам ҳеч биримизнинг қўлимиздан келмайди. Биз нотавонлар у туғилгач, меҳр-муҳаббатимизни бахшида этишганига қодирмиз, холос.

Энди ўша фарзандни, кимнинг дилбанди бўлишдан қатъий назар, мараз булғайтган дақиқаларни кўз олдингизга келтиринг. Чидаб бўладими? Шахсан мен ўша маразга жинсдош бўл-

этолмайман. Шу борада менга ёрдам беринглари. Илоҳи бўлса Президенти-мизга етказинглари нолаларимни. Ҳеч бўлмаганда, маразларга олий жазо берадиган ва шу жазони кўпчилик иштирокида — жамоатчилик ўртасида ижро этилишини таъминлайдиган қонунлар ишлаб чиқишсин...

Мени таъсирлантириб юборган, юқорида айтганимдай рўзноманинг тақдири борасидаги иккиланишлариму тушқунликларимни тарқатиб юборган бу ҳам эмас.

Рўзнома тақдири ҳақида ўйлар

КОНВЕРТДАГИ ЎН СЎМ

жилда ҳам, хатнинг ўзида ҳам манзилгоҳини кўрсатмабди.

Бу инсон ўзи ҳақидаги ҳикояни биринчи турмушдан фарзанд кўрмаганлигидан бошлабди. Кейин эса алданиб, ўз тақдирини тўрт марта қамалган пияниста билан боғлабди. «Энди шу хатоимни тузатишнинг ҳеч қандай йўлини тополмайман. Бундай дардибедаводан ўлиб қутиلمасангиз, тирикликда ҳалос бўлишнинг илоҳи йўқ шекилли...» — деб ёзибди ўз хатида.

Юқорида айтганимдай, у ўз манзилгоҳини маълум қилмаган. Шу боис, амалий ёрдам беришга, ҳеч бўлмасада ширин сўз билан дардига малҳам бўлишга имкониятимиз йўқ ҳозирча. Ҳолбуки, опанинг бизга мактуб йўлашдан мақсади ҳам бошқа эканлигини ҳис қилдим.

«Рўзномангизнинг шу йил 24 март кунги сонига эълон қилинган «Маразнинг қилмиши» номли мақолани минг бир фиғон билан ўқиб чиқ-

ганим учун (у ҳам аслида одам бўлиб дунёга келганда) ўзимни ўзим бўғиб ташлагим келади. Ундайлари халқнинг кўз олдида аввал ўша еридан осиб, кейин отиб ташлаш керак. Бунга эса, тушунаман, қонунларимиз йўл қўймайди. Ана энди фиғонингни кимга айтасан?

Бизда қонунларимизни адолатли, дейишади. Аммо улар кимлар учун адолатли? Жиноятчи деган таъриф ҳам енгил бўлган маразлар учун эмасми? Яна рўзномангизда ўқиган эдим, қашқадарёлик бир милиция ходимининг беш яшар қизчасини ўғирлаб кетишган экан. Билмадим, ўша бегуноҳни ҳам не кўйларга солишди экан?! Дод дегинг келади, дод!


Мен ҳаётда омади чопмаган, ғам-ғуссадан боши чиқмайдиган, саводи ҳам ҳаминақадар бир аёлман. Шу бошим билан юратимни ўртаётган дард-аламни мутасаддиларга тушунтириб баён

Ишонасизми-йўқми, конверт ичидан битта яхлит ўн сўмлик чиқди.

«Биламан, бу ўн сўм аввалги ўн тийинчалик қадрга эга эмас. Аммо на илоҳи, орттирганим шу бўлди. Рўзнома иқтисодий жиҳатдан мушкул аҳволга тушиб қолганини ўқиб, шунга оз бўлса ҳам жўнатишга журъат этдим, кўп ўрнида кўрарсизлар...» — деб ёзибди опа ўқувчилар дафтари варағига битилган хатининг сўнгига.

Тўғри, у киши таъкидлаганидек, ўн сўм ҳозирги кунда ҳеч нарсаси эмас. Рўзноманинг мунтазам чиқиши учун юзлаб эмас, минглаб, эмас, миллионлаб сўмлаб маблағ керак. Шукрки, кўпгина ички ишлар идораларида буни чуқур ҳис қилиб, ёрдам қўлларини чўзмоқдалар. Аммо опанинг ўн сўми ҳам ўша маблағлар қадрига тенг биз учун. Ҳимматингизга балли, опа!

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
«Постда» мухбири.



Жиноятчи қолдирган иш аниқлашда эксперт-криминалистларнинг тутган ўрни каттадир.

Уларнинг аниқ, тезкор ишлашлари ва берган тўғри хулосалари доимо яхши натижаларнинг гарови ҳисобланади.

СУРАТДА: Хоразм вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлимининг катта ходими, милиция катта лейтенанти Утаамбой Эшчонов техника воситаларини «тильга» киргизаётган пайт.

С. БОБОЕВ олган сурат.

БУГУНГИ СОНДА

2-БЕТ

«...Улар отадан миллион сўм сўрашди. Ўғлини сотиб олиш учун...»

3-БЕТ

«...Ота-онани телефон қўнғироғи уйғотиб юборди. Хизматдаги ўғиллари экан. Суҳбатлашиб бўлишгач, қизларини ҳам чақирмоқчи бўлишди ва... болохонадан топишди...»

5-БЕТ

«Буни Шарқ дейдилар. Севги-муҳаббат, ҳис-туйғу, — барчаси ҳеч қачон номусдақ юқори турган эмас...».

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

«...Муваҳхассларнинг фикрича, тоғда кечаётган жараён Жигаристондан ҳам даҳшатлироқ бўлиб, 50 миллион куб метр тунроқ кўчини мумкин...»

«...Мени ҳеч эрга текким келмайди. Олдимда икки йўл қолди. Бири ўлим, иккинчиси бузуқчилик...»

«...Компьютер жиноятчилигини низга тушади ва бир насад топади...».

Сиз кутган, кутмаган хабарлар

РЕСПУБЛИКА
«ҚҰРИҚЛАШ»
БИРЛАШМАСИДА

Қизим Замира ўрта мактабнинг 1-синфига боради. Бир куни ўқитувчи опаси: «Ун маҳсулотларини ёзиб келинг», — деб уй иши берибдилар. Қизим дастурга мактаб ошхонасида тайёрланадиган овқатларнинг номларини ёза бошлади: «Чучвара, лагмон, нон, кучла...»

Мактабларда жойлашган ошхона ва буфетлар ходимларининг айримларига шундай ёзма ишларни ўқишга бериб турилса, яхши бўлар эди, деб ўйладим. Гап шундаки, Янгир шаҳрида Менделеев номи ўрта мактаб бор. Шу мактабда давлатимиз ўқувчи болалар оқ қолмасликлари учун буфет очиб қўйган. Буфетчи Л. Хнинг қизиқ оdatи бор экан. У болалар ризқини «еб» қўяркан. Аммо ўша куни «оқ» қолди. У фуқаро Ж. З.га буфетнинг икки қоп унини сотиб, ҳовлидан олиб чиқиб кетаётган пайтда қўриқлаш бўлими ходимлари милиция капитани Г. Мансуров, милиция сержанти А. Тўхлиев ва участка вакили О. Жумабоевлар қўлига тушди.

Ҳеч қачон иш жойингизда катта миқдордаги пулни ташлаб кетманг. Айниқса, бу пуллар давлатники бўлса. Нимага десангиз, ўғрилаб кетишлари мумкин. Ишонмасангиз, Ҳазалкент матлубот жамиятига қарашли 7-нон дўкони сотувчиси Насиба опадан сўранг. Улар душанба куни ишга келсалар, кассадаги 4 минг 200 сўм пул йўқ. Қўзлариди жикка ёш билан бўстонлик тумани ички ишлар бўлимига келиб, ёрдам сўрашди. Ўша заҳоти ИИБ бўйича масъул навбатчи қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция капитани А. Насруллаев ўз хизматчилари милиция старшинаси А. Маҳкамов, милиция сержантлари Ю. Соппов, Ж. Маннонов ва Н. Маҳамедовлар билан шовилнич чоралар қўришди. Ким ўри бўлиб чиқди, деги! Ҳазалкент нон ишлаб чиқариш корхонасининг ишчиси Й. А. экан.

Ким айтди: «Бизда аҳолига хизмат қилиш ишлари сушт ташкил қилинган», — деб? Миядаги суюқлики озгина ишлатса, хизмат беминнатни Ғарб мамлакатларидан ҳам яхшироқ ташкил қилса бўларкан.

Тошкент тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими бошлиғи милиция майори А. Даминов ва милиционер К. Мирхўжаевлар ўз кўзлари билан Келес шаҳрида жойлашган 16-болалар боғчасида «илғор» тажрибани қўришган ва унинг бажарувчисини қўлга олишган.

Куппа-кундузи туман халқ таълими бўлимига қарашли «ГАЗ-52» белгили юк машинаси ҳайдовчиси М. О. «темир оти»га ҳеч қандай ҳужжатсиз болаларга аталган гўшт, қолбаса, тухум ва сабзавотлар ортади. Кичкинтойларга берилган озик-овқатлар боғча хизматчиларининг уйларига тарқатилади. Шу куни келажакимиз тарбиячилари 1 минг 200 сўмлик ёғли лўқмадан куруқ қолдилар.

Э. РАҲМАТОВ,
милиция майори.

КИТОБ

Ҳачон «15»ни кўриб «3» деймиз? Топдингиз. Соатга қараб. Лекин айрим таксичиларда бу сал бошқачароқ, кичик рақамга қараб каттасини айтишади. Соатга эмас, «счётчик»ка назар ташлаб.

Шаҳрисабз шаҳар 8-такси саройи ҳайдовчиси М. Ойдинов Китоб шаҳридан уч йўловчини олиб, Кўсам қишлоғига йўл олди. Сўнгги манзилда ҳайдовчи кўз қирини ташлаган жойда «12.80» рақамлари кўрин-

11 апрель куни эди. Соат 19 лар атрофида ўз уйи олдида ҳаёт ташвишларидан мосуво гўдак — олти ёшли Сайфулла ўйнаб юрарди. Қандайдир машина келиб тўхтадию номаълум «амаки»лар уни ўғирлаб кетишди.

— Бунини кеч тушгандан кейин билдик, — дейди боланинг отаси. — Қўнғироқ устига қўнғироқ бўлаверди. Аммо сим қоқатганлар ломим демай дастакни жойига илишарди. Ниҳоят эркак кишининг: «Ўғлингни сотиб олиш учун пул тайёрлаб қўйдингми?» — деган овози эшитилди.

Отанинг ўша пайтдаги ҳолатини қисман тасаввур этиш мумкин. Вояга етмаган фарзанди тақдир қил устиди, уни қутқариш учун эса «атиғи» БИР МИЛЛИОН сўм керак.

— Жабранувчиларнинг

ХУШЁР ПОСБОНЛАР

Ш. Қурбонов Қирғизистоннинг Ўш вилоятида истиқомат қилади. Шу йилнинг март ойида «ов» қилиш ниятида Фарғона шаҳрига келди. Қори Ниёзий кўчасидаги уйланинг бирига кириб, 5 метрли палосни елкасига ташлаб чиқаётганда милиция ходимлари Х. Хўжаев ва С. Бакировлар томонидан ушланди.

Деҳқонобод тумани халқ суди биносида суд кетяпти. Қора курсида ўтирган икки барзанги йигит бошларини эгница ўтиришибди.

...Шу йилнинг 22 январиди соат 23.40 лар чамаси Деҳқонобод тумани ДАН пости ходимлари Самарқанд вилояти томондан келатган «ИЖ-21251» белгили Д 89-23 ДБ рақамли уловни тўхтатишди. Милиция катта сержанти М. Тўлаев ҳайдовчи В. Турсуновнинг ҳужжатларини текширар-

ҚУВОНЧЛИМИ, ЁКИ...

Жумҳуриятимизда ўтган уч ой давомида ёнган ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан анча камайди. Тошкент вилоятида эса бу кўрсаткич 24,7 фозга пастлади.

Агар ўтган йилнинг январь, февраль, март ойларида 80 киши «сарик аждар» чангалида ҳалок бўлган бўлса, бу йил 61 киши шундай ҳалокат топди.

Қашқадарё вилоятидаги аҳвол эса бир мунча ташвишли. Чунки бу ҳудудда фавқулоддаги бахтсиз ҳодисалар 3,7 фозга кўпайган.

УЧ ОҒАЙНИЛАР

Маҳмуд укаси Мансурбек ва у тенги Уктамини ёнига олиб, Урганч шаҳридаги 32-болалар боғчасига дераза орқали ўғрилика тушди. Бир қарашда, бу ердан ўйинчоқдан бошқа оладиган нарсани йўқдай туюлиши мумкин Аслида бор экан. Хусу-

ди. «25» деди ҳайдовчи. «Нима?» «25 бўлди».

«Ёмон адашдингиз!» Сўнгги жумлани ҳайдовчига қарата Қашқадарё вилояти ИИБ ИЖК бўлимининг шаҳарлараро ва туманлараро опервакили милиция подполковниги Тошпўлат Музаффаров айтди.

13 донна сувқайнатгич (кипятильник), 80 та капир, 51 донна лампашиша, 47 та кружка, 17 донна чини чойнак, 110 килограмм бўёқ... Буларнинг ҳаммаси халққа бориб етиши керак бўлган моллар. Лекин улар Китоб шаҳар 24-«Хўжалик моллари» дўконининг омбо-

рида анчагача «чанг ютиб» ётди. Пештахталарда эса фақат сичқон излари...

«Халқ мулкани нега яширддингиз?» Дўкон мудир Р. Собировга ҳам бу саволни милиция подполковниги Т. Музаффаров берди.

Ф. ШАЙМАҲОВ,
Китоб туманлараро
прокурори 1-даражали
ҳуқуқшунос.

ХИВА

Шаҳардаги «Оқ йўл» кичик корхонасининг қоровули Э. Раҳимов ўзига ва қашандаларга маълум жойда

«Родопи»нинг ҳар қутисини «25» дан пуллаб, харидорларига оқ йўл тилаб турганида ҳам ўзининг топган йўли қора эканлигини ўйлаб кўрмаган экан. Тегишли одамлар бунини эслатиб қўйишди.

С. Авезов тўрт бор чайқов йўлидан қайтарилган. У яна бир маротаба шу йўлдан одимлаётганда, яна «чал» беришди. Бу сафар у ёмон йиқилди. Пешонаси ерга қаттиқ теккан бўлса ажабмас.

Иброҳим ЮСУПОВ,
Хива тумани ва шаҳар
ИЖК бўлинимаси бош-
лиғи милиция капитани.

«ЎҒЛИНГНИ СОТИБ ОЛ!»

милицияга ўз вақтида хабар беришлари ишмизни енгиллаштирди, — дейди Тошкент шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи И. Тошпўлатов. — Оператив тергов гуруҳига раҳбарлик қилиш менга юклатилди. Уч кеча-кундуз давомида тиним билмадик, ҳамма ишни бир чеккага йиғиштириб қўйиб, жиноятга заррача алоқаси бўлган маълумотлар билан жиддий шуғулландик. Бу сатъ-ҳаракатларимизни тергов якунига қадар айта олмайдман батафсил. Хуллас, 15 апрель куни Сайфуллани «сотиб олиш» учун йиғилган пулларни қиссага солаётганда, раҳм-шафқатдан мулақо бегона уч нафар жиноятчи қўлига кишан урилди.

Биз суҳбатлашаётган пайтимизда, Сайфулла телевизорга тикилиб, мултифильм томоша қиларди. Ходимларимиздан бири унга конфет узатди:

— Сен қаерда, кимникида бўлдинг? — деб сўради. У эса саволдан чўчиб тушди.

— Нотаниш ҳоланикида... Суҳбатга Иляшбек Худойберганович якун ясади.

— Майли, ҳаммаси яхшилик билан тугади. Ўша «холанг» билан эса ўзимиз гаплашиб оламиз. Ишончим комилки, жиноятчилар энг оғир жазога маҳкумдирлар.

Комилжон СОДИҚОВ,
милиция катта лейтенанти.

майдиган дори-дармонлар билан чайқовчилик қилаётганди. Чувни чиқди.

Фарғоналик Х. Айсен ҳам дори-дармонларга муҳтожлар кўплигини яхши билиб, бу ишга қўл урганлардан.

1960 йилда туғилган О. Ҳасановнинг шаҳар марказидаги безорилигига чек қўйган ҳам милиция сержанти Х. Хўжаев, милиционер С. Бакировлар бўлди.

А. ҲАКИМОВ.

ОҒУ НАСИБ ЭТМАДИ

Шуниси қизиқки, Р. Қўшмонов Душанба шаҳар Темир йўл тумани ИИБ ҳузуридаги соқчилик бўлимида қоровул бўлиб ишларкан.

Наркотик моддаларни ғаразли мақсадларда олиб кетатган тунги йўловчилар 2 йилга озодликдан маҳрум қилиндилар.

К. АБДИНАЗАРОВ.

УЙ АЖРАТИЛДИ

Муҳарририятимизга мактуб йўллаган милиция сержанти Н. Эшниеъов яшаш шароитининг ночорлигидан нолиганди.

Ушбу хат Н. Эшниеъов хизмат қилаётган Муборак тумани ИИБга юборилди.

Туман ИИБнинг бошлиғи милиция подполковниги К. Арабовнинг маълум қилишича, аризада кўрсатилган фактлар ўз тасдиғини топган. Н. Эшниеъовга уй ажратилган.

сан 2 донна палос, 6 метр йўлтўшак, чанггюгич...

Қўзбой, Худойназар ва Зафарлар пул топишининг қадимий, оддий ва сийқа усулини қўллашди. Автобусдан тушган Дилбарнинг ҳамёни-ни олиб қочишди. Ҳамён ичидаги 270 сўм пул билан эгасига қайтди.

Ҳали анча ёш бўлишларига қарамай Раҳимберган, Умид ва Алишерлар техниканинг кадр-қимматини ҳўп билиб олишди. Қўшнилариникига кириб, иккита филдирак, тўртта дискни олиб чиқиб қўйишган экан, таққа бўлса, от топилар деб. Лекин ўғри бўлса, қози топилишини эса унуттишган экан.

Саъдулла БОБО.

ИККИЛАНМАНГ

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг қийин даври Наманган вилояти ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими ходимларига ҳам анча ташвиш келтирди. Лекин улар хизматни сира сусайтирмадилар. Шу йилнинг икки ойида қўриқланаётган объектларда бирорта ўғрилика йўл қўйилмади. Учта ўғрилиқнинг олди олинди.

1992 йилнинг 17 январиди Поп тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими милиционерни А. Нўъмонов соқчи П. Салимов билан объектларни айланиб юриб, 242 сўмлик симтўрни ўмариб кетаётган шахсни ушладилар.

5 февраль куни эса Норин тумани ИИБ қошидаги қўриқлаш бўлими ходимлари 4583 сўмлик газмолни орқалаган кимсани тўхтатдилар. Аммо қўриқлаш пултига топширилмаган, соқчи биркитилмаган халқ хўжалигининг 73 корхонасида эса ўғрилиқ содир этилган.

Демак, корхона ташкилот, муассаса раҳбарлари ҳеч иккиланмай қўриқлаш хизматига мурожаат қилишлари мумкин. Ана шунда давлат мулки ишончли қўлларда бўлади.

А. АЗИЗОВ.

ЖАЗО ЯҚИН

1968 йилда Фарғона туманида туғилган Д. Ўринбоев республикада ва қўшни Қирғизистон Республикасида содир этган қатор жиноятлари учун қидирувда эди.

Шу йилнинг 10 март куни жиноятчининг Олтиариқ туманига ташрифини билган бўлим ходимлари уни «кутиб олиш» режасини ишлаб чиқдилар.

Вилоят ИИБ ва туман ИИБ ходимларининг пухта амалга оширган тадбирлари туфайли Д. Ўринбоев қуролсизлантирилди ва қўлга олинди.

Яқин кунлар ичида жиноятчи ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беради.

Э. АБДУЛЛАЕВ.

Тавба денг-у ёқа ушланг



Бир хўрсиниқ тикилади
бўғзимга,
Кўзёшимни секин артиб
ташлайман.
Ўзим тинмай азоб бериб
ўзимга,
Азоблардан лаззат олиб
яшайман.

(Саодат ДОНАБОВЕВА)

Земфира хаёл оғушида,
зил-замбил оёқларини зўрға-
зўрға кўтариб, катта йўлдан
боши оққан томонга кетмоқ-
да. Кўзлари очиқ, лекин ҳеч
нарсани кўрмайди, шашча-
тор ёшлари ёноқларини,
лабларини, бўйинларини не-
ча бор ювди, сезмайди. Инон-
ихтиёри оёқларида.

Бугун ҳам уйдан ҳайдаш-
ди. Нечанчи бор ҳайдалиши
бу? Саногидан адашган. Не-

Шунчалар, гўзалсан,
гўзалсан санам,
Таърифнинг битмоққа
ожиждир қалам.
Бир йигит ўмрини обод
этардинг,
Ақл ҳам берганда фалак
боқарам...

(Абдулла ОРИПОВ)

Донларимиз топиб-топиб,
чертиб-чертиб иборалар айтиб
кетишган. «Фунажин кўзини
сузмаса...» Жумлалар хийла-
гина бепарда бўлса ҳам, ай-
римларга жуда-жуда мос ке-
лади. Бу бор гап. Инкор этиш
мумкин эмас.

Фақат минг афсуслар айт-
гинг келади ўзбек муслимала-
ри шайига доғ келтирадиган
енгилтак қизларнинг орамиз-
да борлигига. Минг надомат-
лар айтгинг келади...

Дилнозанинг ҳали ўн гули-
дан биттаси ҳам очилмаган.
Дурустгина оиланинг фарзен-
ди. Барча қизларда бўлган
каби хаёлан ишқ-муҳаббат
шаробини ичади, хаёлан сева-
ди, севилади. «Ох, муҳаббат»
дея уф тортади. Аммо... аммо
беш дақиқаси кам севги ёши-
гача етиб бора олмади. Тў-
рроғи, сабри чидамади.

...Шавкат кир ювиш ҳаммо-
мида ишчи бўлиб ишлайди.
Қўлида ҳунари ҳам бор экан,

га унинг ота-онаси бошқа-
лардек эмас? Нега доим уни
олдиларига солиб қувишади?
Ўғай эмас-ку, ахир?! Нега
доим ичишади? Нима учун
бунчалар хўрлик? Оғир ха-
ёлларининг чеки йўқ.

Земфира эндигина ўн бе-
шинчи ёшга юз буряпти.
Ҳали ҳаёт ҳақида мустақил
тушунчага эга эмас. Лекин...
Унинг ота-онаси кўп ича-
ди. Заҳар-заққум ичларига

кирдими, тамом, Земфирага
кун йўқ. Турткилашиб-хўрла-
шиб кўчага ҳайдашади.

Навбатдаги ҳайдалишлар-
дан бирида Земфира Василий
исмли йигит билан танишиб
қолди. Йигит кўринишидан
чакки эмас. Лекин у ҳам
тақдир зарбасига учраган.
Томск вилояти халқ суди
ҳукми билан икки йиллик қа-
моқ жазосига ҳукм қилинган,
фақат «отсрочка» туфайли
очиқда юради.

Инсон турли хил қисмат-
ларга дуч келса-да, ҳаёт от-
лиқ бу, фоний дунёда яшаш
ишқи билан ёнаркан. Шу-
нинг учун бўлса керак, Ва-
сий ўзидан ўн бир ёш кич-
ик қизни учратиш, у билан
бирга яшашни кўнглига тук-

кандир.

Одатдаги учрашувлардан
бирида Василий Земфирани
яшаб турган уйига таклиф
қилди. Ўз уйдан, ота-онаси-
дан безган қизнинг ёлғиз су-
янчиги биргина шу, бошқа
миллатдан бўлса-да, шу йи-
гит эди. Унга ишонарди.
Шунинг учун ҳам таклифи-
га синиқ жилмайиб билан
жавоб берди.

... Ярим тун. Абжағи чиқ-
қан тўшак узра ёшгина қиз-
ча ва оқ-қорани ажратиб
олишга қурби етадиган йи-
гит беҳол, бемажол чўзилиб
ётишибди. Бугундан эътибор-
ан Земфиранинг қизлик он-
лари ортда қолди. Тақдири-
ни ёнидаги йигит билан бо-
лади. «Энди бир умр бирга-

миз!» Василийнинг шу сўз-
лари унинг қалбини севинч-
дан йиғлатди.

Лекин қора кунлар ҳали
олдинда экан. Орадан ойлар
ўтиб, Василий иккинчи бор
қора курсига ўтирди. Бу
бир эмас, бир кун юз бери-
ши керак эди. Чунки у ба-
лоғат ёшига етмаган қиз—
Земфира билан жинсий ало-
қа қилган. Бу асосий сабаб.
Қолаверса, бу ёқда қизнинг
ота-онаси...

Судда Земфира қорнида
олти ойлик ҳомиласи борли-
гини, Василий у билан бир-
га яшашга рози бўлганлиги-
ни айтиб, уни қамамаслик-
ларини ўтиниш сўради.

Суд жабрланувчи, айбла-
нувчи ва гувоҳларнинг сўз-
ларини тинглаб, жиноий иш-
нинг оғирлаштирувчи ва ен-
гиллаштирувчи томонларини
эътиборга олиб, Василийни
икки йиллик қамоқ жазоси-
га ҳукм қилди. Лекин ҳукм
ижроси яна икки йилга ке-
чиктирилди.

Бир имо билан йигитга эргаш-
ди.

Бақирш, дод-вой кўтариш
ўрнига итоат... Болохонага кў-
тарилишди. Ҳар қандай сўз
ортиқча. Икковининг ҳам мақ-
сади бир. Икковининг ҳам қо-
ни жунбушда. Силаб-сийпаш-
лар ўпишишга уланди. Қўллар
билиниб-билимай турган ки-
йимларга ёпишди...

Ҳеч нарсадан беҳабар ота-
онани телефон кўнғироғи уй-
ғотиб юборди. Хизматдаги
ўйиллари экан. Улар суҳбатла-
шиб бўлишгач, қизларини ҳам
телефонга чақирмоқчи бўлиш-
ди... ва болохонадан топишди.

Ур-сур, ҳақорат, тарсаки...

Дилноза югуриб ошхонага
тушдию, сиркадан сипқорди.
Лекин азроил ҳам унга яқин-
лашишдан ҳазар қилди.

Ниҳоя: қиз касалхонага, йи-
гит милиция бўлимига келти-
рилди.

Оқибат: йигит уч йилга ке-
силди, қиз шармисор бўлди,
ота-она боши ҳам бўлди.

Хулоса: хулосани ўзингиз
чиқаринг. Агар айтар сўзингиз
бўлса, икки энлик хат ёзишни
унутманг. Кутамиз.

Маҳкам МУҲАММАД ўғли.

БОТҚОҚ

Қизлар, Навиҳоллар,
Малонкалар.

Яна нималар дейиш мум-
кин улар таърифни келтир-
ганда! Албатта, фақат чи-
ройли сўзлар айтгинг ке-
лади. Лекин тақдир дей-
сизми, пешона дейсизми
ёки бошқа нарса, барча
заифларимизга ҳам бун-
дай яхши хислатларни ёпиш-
тиришга ҳалақит берар
экан.

Шундай қизгиналар бор-
ки, агар қўполдан қўпол
қилиб айтадиган бўлсак,

қарагингиз келмайди. Аммо
икки оғиз гурунглашинг,
дили пок, нияти соф, ақ-
лан теранлигини билиб
оласиз. Афсус, уларни Ал-
лоҳ ташқи ҳусндан қисган.

Шундай қизгиналар бор-
ки, агар чиройлидан чи-
ройли қилиб айтадиган бўл-
сак, бир нигоҳи, бир та-
бассуми билан сизни йиқи-

тади. Аммо, икки оғиз гу-
рунглашинг... Афсус, улар-
ни Аллоҳ ақлдан, ибодан
қисган.

Қўйида биз икки қизнинг
пешонасидаги бир хил
ёзуғ, икки хил қисмати ҳа-
қида сўз юритмоқчимиз.
Уларнинг бири мажбурият
юзасидан, иккинчиси ҳис-
сиёт жунбушидан ботқоққа
чўкканлар. Уқиб бўлгач,
тавба денг-у, ёқа ушланг.
Изоҳ: мақоладаги йигит-
қизларнинг исмлари ўзгар-
тириб берилмоқда.



— Ҳамма ухлагандан сўнг,
сизни болохонада кутаман,
чиқасизми?

Дилнозанинг қизиб турган
қони бутун вужудини ёнди-
риб юборди. Юрагининг ури-
ши шунақа тезлашдики, эҳти-
рос аралаш зўрға лабларини
қимирлатди:

— Агар йўқ десам-чи?
— Сиз чиқинг!
— Уйлаб кўраман...
Нафрат ўрнига табассум,

тарсаки ўрнига табассум, қу-
виб солиш ўрнига табассум...
Шунчалар осонми?

...Ярим тун. Ҳамма уйқуда.
Фақат Шавкат бедор. Дилно-
зани кутяпти. Ундан эса дарак
йўқ. Дақиқалар тонгга яқин-
лашяпти. Бўлмади. Шавкат қиз
ётадиган хонага шарпасиз
кирди. Дилнозанинг кўзлари
юмуқ, бироқ кинриклари бе-
саранжом... Шавкатнинг қўли
тегар-тегмас «чўчиб уйғонди».

МАРАЗЛАРГА ОҒИР ЖАЗО

Ислом Худоёрнинг шу
йил 24 март кунини эълон
қилинган «Маразнинг қил-
миши» номли мақоласини
ғазаб ва изтироб билан ўқиб
чиқдик. Ўшандан бери ўзи-
мизга келолмайдимиз. Бад-
кирдор Илҳомнинг сўйлаёт-
ган ҳукиздек пишириб, жи-
ноят содир этиши, ёвуз
чанғалида бегуноҳдан бегуноҳ
Сардорнинг ожиз тўлғани-
ши кўз ўнгимиздан кетмай
қолди. Фожеамиз шундаки,
бундай ифлослик — қотил-
лигу зинокорлик қучайган
мамлакатларда эмас, дин ва
этиқоди қайта тикланаёт-
ган мустақил Ўзбекистонда,
яна қаерда денг, мусулмон-
чилик барқ уриб ривожла-
наётган Поппа юз берди.
Додимизни кимга айтайлик?
Агар биз индамай туравер-
сак, Сардор ва сардорлар-
нинг уволи кимни тутати?
Бефарқлигимиз, доқайди-
гимиз учун бизни эмасми?

Мақоладаги воқеа ўқув-

чи кўз ўнгига худди кино
лентасига туширилгани ка-
би жонланади. Аммо мараз-
га қандай чора кўрилгани
ҳақида лом-мим дейилма-
ган. Нима, бундайларнинг
танобини тортиб қўядиган
қонунларимиз йўқми? Агар
шундоқ бўлса, яна нега жим
турибмиз? Бу жимлик гуно-
ҳимизни икки карра ошириб
юбормайдими?

Биз Форш тумани алоқа
бўлими ходимлари Н. Му-
стафоева, З. Мустафоева, Г.
Ўзбекова, К. Сатдуллаева,
Н. Тошпулатовлар Илҳом
Долиев сингариларини, ай-
тайлик, Поп тумани марка-
зида — тумонат одам кўз
ўнгига жазоланишнинг
талаб қиламиз. Зора бун-
дан бошқалар озгина бўлса
ҳам, хулоса чиқариб олса-
лар.

Алоқа бўлими жамоаси
номидан

Н. МУСТАФОЕВА.

Гуландом, Аллаёр, Бўриқул ва Алижонлар 2
апрель кунини Қарши-Самарқанд йўлининг «Етти
дом» чорраҳасида нима мақсадда ўргутлик Са-
ми Соловов бошқариб бораётган «Жигули» ав-
томашинасини тўхтатишгани бизларга қоронғу.
Аммо ҳайдовчи олдинги ўриндиқда турган 80
минг сўмини олиб, йўловчиларга жой бўшатиш
учун юкхонага солиб қўйганида уларнинг ният-
лари бузилди. Қандай бўлмасин, йўл-йўлакай
пулни кўлга киритиш ҳақида ўйлаб бошладилар.
Одам қораси кўринмай қолгач, бирдан орқа
ўриндиқда ўтирган Гуландом кўнгли айниётга-
нини баҳона қилиб, уловни тўхтатишни йлти-
мос қилди. Ҳайдовчи ёнидан жой олган ҳамто-
воқ эса: «Э...калланга балли», — дея Сами Со-
ловов томоғига пичоқ тиради:

— Агар жонингдан умидинг бўлса, ҳалиги
қозоғга ўралган пулни чиқаз, акс ҳолда рўза-
нинг яхши кунлари сенга nasib қилмайди.

Бундай бўлишнинг кутмаган Самининг аъзойи
бадан титраб, бир зумда хотини, болалари кўз
олдидан ўтиб, юкхона калитини қароқчиларга
узатди. Пулни олиб бўлган қароқчилардан бири:

— Ма, калитингни олу орқанга қарамай жу-
наб қол, агар бирор-бир кимсага хабар бергудек
бўлсанг, машинангни топиб, ёқиб кетиш бизларга
ҳеч қийин иш эмас, — деб дўқлаб ҳам қўйди.

Жони омон қолган Сами қандай қилиб маши-
насини ўт олдирилганини ўзи сезмай қолди. Са-
марқанд томон борар экан, у ўзининг соддали-
гини тинмай койирди. Чунки у қозоғга ўралган
пулларни олиб қўяётганида, йигитларнинг бири:
«Ҳалақит бермайди, тураверсин», — деганида у:
«Арзиманган 80 минг сўм» — деб айтиб қўйган
эди. Шунда тилининг душман эканлигини биринчи
бор ҳис қилди. «Бошинга не бало келса, бирва-
данмас, ўзингдан кўр», — деганлари тўғри экан
дея, бир оз ўзига келиб олиш учун машинани

ҚАРОҚЧИЛАР

йўлининг четида тўхтатди. Озроқ вақт ўтар-ўтмас
унинг ёнидан Қарши-Самарқанд йўли бўйлаб қат-
найдиган автобус ўтиб кетди. Самининг юраги
ниманидир сезгандек, унинг ортдан кузата бош-
ладди. Тахминини тўғри бўлиб, Самарқанд шаҳрига
2-3 километр чамаси қолганида, 4 қароқчи ав-
тобусдан тушиб қолди.

Нима бўлса ҳам вақтин бой бермай, яқин ора-
даги милиция постига хабар бериш керак.
Самарқанд шаҳрига кираверишда товар ва
моддий бойликларини олиб чиқиб кетишни назор-
ат қилувчи давлат инспекцияси пости хизмат-
чилари милиция старшинаси Оштемур Холма-
нов ва Парда Келдиёровлар хизмат жойида
эдилар.

Милиция ходимлари Самининг юзлари дока-
дек оқариб кетганини кўриб, дарҳол унга ёр-
дамга шошилдилар.

Қароқчилар тушиб қолган ялангликка келган-
ларида, атрофда ҳеч кимса кўринмасди.

Қароқчилар узоққа кетолмасликларига кўзи
етган милиция ходимлари яланглик бўйлаб
Самарқанд шаҳри томон йўл олдилар.

Чамаси 2 километрча юрганларидан сўнг
узокдан 4 кишининг қораси кўринди. Бирини аёл
киши эди. Енларида тўхтаган икки «Жигули»,
айниқса, икки милиционер уларни ҳар томонга
қочишга мажбур қилди.

Чапдаст милиция ходимлари қаршилиқ кўр-
сатишларига қарамай аввал 3 қароқчинини, сўн-
гра ўпкаси шишиб қолган Гуландомни
қўлга олдилар.

А. ТОШПУЛАТОВ,
милиция катта лейтенанти.

Қандай хизмат қиялемиз?

Шахрисабз шаҳри ўз бағидаги тобора нураб бораётган тарихий обидалардан ҳам кўра жаҳонга Амир Темурдек зотни етказиб бергани билан машҳурдир. Шу сабаб бу ерда ким билан суҳбатлашманг, ана шу замин фарзанди эканлигидан фахрланиш туйғусини сезасиз. Яна бир хислати — буюк бобомиз номига муносиб авлод бўлишга интилиш ҳиссини ҳам англамай бўлмайди. Эҳтимол мана шу хислатлар шаҳарнинг энг тиришқоқ, ғайратли, шижоаткор, мард ўғлонларини бу ерда осудалик, тинчлик ўрнатиш учун ИИБда жипслашишга ундагандир. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари эса исзис кетмапти. Агарда шаҳардаги оператив вазиятни таҳлил қилсак, жиноятларнинг барча кўринишлари (ўғриликдан ташқари) камайишини кузатамиз. 1991 йилнинг уч ойида жами 66 та жиноят содир этилган бўлса, шу йилнинг уч ойида у 57 тага тушган.

Бўлимда оқилон ташкил қилнаётган турли тадбирлар натижасида жиноятлар сони тобора камаймоқда. Бу ерда, бошқа ички ишлар бўлимларидан фарқли ўлароқ, бош мезон жиноятнинг олдини олишдир. У содир бўлганида эса бутун кучларнинг уни очишга сафарбар этилишидир.

— Ҳар ойда 10 кун давомида «Яхлит» операциеси ўтказилади. Лекин шу билан кифояланиб қолмаймиз, график асосида кеч соат 23 дан тонгги саккизгача навбатчилик уюштирилган, — дейди бўлим бошлиғининг ўринбосари, милиция катта лейтенанти Искандар Бўриев. — Мана ўзингиз гувоҳсиз, бўлимимиз жамоаси асосан ёшлардан иборат. Ҳар бири ушлаган жойини узатган йигитлар. Энг асосийси, ишлаб чарчашмайди. Бошлиғимиз милиция майори Комилжон Қурбоновнинг ўзлари тиниб-тинчимас. Куч-ғайратга тўла инсон. Ҳар кун хизматга бир ўзгариш, янгилик олиб кирмас, ором билмайди. Мени бошлиғини маътаб дед ўйламанг, бор гап бу. Аслида ички ишлар ана шундай ёшларнинг жойи.

Ҳа, ўринбосарнинг гапларини бўлимдаги ҳукмрон маънавий муҳит ҳам исботлаб турибди.

— Бу ерда офицерлар ва оддий милиционерлар ўртасида муносабат бир хил. Жамоадаги аҳилик, бир-

бирини қўллаб-қувватлаш бошқа жойда бўлмаса керак, — дейди милиция сержанти Саид Шокиров. — Мен Шахрисабз ИИБда ишлаётганимдан очиги гурурланаман.

С. Шокировнинг гапидан билдимки, идорада инсонийлик муносабатлари устун. Ҳар бир ходимнинг оилавий шароитлари, маънавий имкониятлари ҳисобга олинган. Агарда инсонийлик қадри-қимматлари оз бўлсада камситилганида эди, бўлим ўз ҳудудидан анча йироқдаги қаровсиз болалар уйини оталиққа олмасди. Бутун расм-русумимизни ўрнига қўйиб, 6 нафар болакайнинг суннат тўйига бош-қош бўлмасди.

— Ходимларимиз аҳоли тинчлигини қўриқлаш мақсадида туну кун ишлайди. Ҳозирги иқтисодий танглик даврида, уларнинг моддий аҳолини имкон қадар ен-

чиман. Юртимизда иқтидорли, тупроғимиз шон-шавкатини оламга ёйдиган ёшлар жуда кўп. Лекин афсуски уларнинг моддий шарт-шароитлари йўқ. Мана бир мисол.

Кураш бўйича Европа ва жаҳон чемпиони Эркин Ҳолиқов ҳам илк машғулотларни бошқалар сингари ёруғ, кенг, қулай спорт майдонларидан бошламаган. Ана шундайлар орамизда камми?

Усмирларни билибмиз, билмайми жиноятга қўли уришига сабаб — ўзларини қизиқтирадиган, бутун вужуди, ақл-идроқини бағишлаб дам оладиган, ёшига, кучига мос келадиган машғулотларнинг йўқлигида деб биламан.

Ҳозир ишлаётган Ушумактабига эса жон-жон деб келувчи болаларни кўриб қувонасан, киши. Лекин асо-

этиборан бўлим бошқача яшай бошлади десам муболаға бўлмас. 1991 йилда Ушумактабни иш бошлади. Унга «Қора камар» соҳиб Уткир Қурбонов бошчилиги қилмоқда.

Машғулотлар уч гуруҳга бўлиниб, ҳафтасига уч марта олиб борилмоқда. Биринчи гуруҳда ходимларимиз шугулланишади. Бунинг, албатта, уларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишдаги қиммати беқиёсдир. Иккинчи гуруҳ эса ходимларимизнинг болалари ва ҳамда учинчиси умумий ишқибозлар учундир.

Таъкидлаш керакки, бунинг яна бир ижобий томони бор. Ушбу мактабда чиниққан ёшларнинг ўзлари кўнгилли равишда хизматини ИИБда давом эттиришларини сўрамоқдалар. Маълумки, жисмоний бақувват ёшларни ишга олиш ҳар

тинглаяпману кўнглимдан бир фикр кечади. Одамнинг кўнгли нақадар нозик-а. Юғуримиз, елаимиз, қуямиз, пишамиз-у бир оғиз ширин каломни эшитсак, барчасини унутамиз. Ҳузурланамиз. Инсон ширин сўзнинг гадоси, деб бекорга айтилмаган эканда.

Ҳа, ўша Наврўз кунини ҳеч кимнинг ёдидан чиқмайди-ган бўлди. Байрамда 132 кишига пул мукофоти ажратилди. 5 киши навбатдаги унвонини олди, 14 нафақа-хўр қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 7 нафар ходимга янги уй қалитлари топширилди. 21 йил ИИБда сидқидилдан хизмат қилган милиция старшинаси Т. Холмуродов нафақага кузатилди. Ҳамма тантана иштирокчилари учун қўш байрам бўлган ушбу кунни унутиб бўларканми?!

Биз йиллар давомида «Ҳамма нарса инсон фаровонлиги учун!» дабдабали шиори остида яшаб келдик. Аммо ҳаётда бунинг нечоқлик риёкорлик эканини кўриб турсакда, мурса қилишдан ўзга чорамиз йўқ эди.

Мана, республикамиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларимиз тикланганини, ўтмишимизга теран нигоҳ ташлаганимиз сари қанчалар адашиб, хўрланганимизни, камситилганимизни ҳис этмоқдамиз. Яхшироқ разам солсак, қадимги урф-одатларимиз, динимиз одамларни ёмон, ҳаром йўлга бошламаган экан. Бугун ҳамма нарса ўзгарди, ўзгаришга юз тутмоқда. Аммо халқда милицияга нисбатан аввалги фикрни ўзгартиришда сусткашлик бор. Эҳтимол бу уларнинг ҳамон эски услубда юришлари, эски қонунлар асосида ишлашларидандир. Лекин Шахрисабз шаҳар аҳли ўз осойишталик посбонлари ҳақида бошқача фикрда. Улар милиция ходимларининг халқнинг бир ажралмас бўлаги, миллатимиз ўғлонлари эканлигидан фахрланишади. Билишадикки, улар ҳам оддий қадоқ қўлли деҳқон болалари. Ҳамма қатори ота-боболаримиз руҳига сажда қилишади. Урф-одатларимиз, расм-русумимизни жойига қўйишади. Улар ҳам тилимиз, динимиз, имоңимиз жонқуярлари. Ишонишадикки, жаҳонгир Амир Темур таваллуд тогдан заминини қалби нопок, қўли эгри, шум ниятили қимсаларга топтатиб қўйишмайди.

М. ИБРОҲИМОВА.

ИШБИЛАРМОНЛИК САМАРАСИ

гиллатиш мақсадида ҳокимият ижозати билан ўн гектар ер олди. Ҳозиргача ернинг уч гектарига турли экинлар экилган.

Ниятимиз Ҳосилни ходимларимизга бепул тарқатиш, Албатта болалар уйининг ҳам бунда насибаси бор. Режаларимиз жуда катта, умидларимиз ҳам. Мақсадимиз — ходимларга ишлаш, яшаш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш. Токи тунда навбатчиликда турган, қор, ёмғирда воқеа жойига кетаётган, жиноятчи билан юзма-юз учрашувга чоғланаётган ходим нимага шундай қилаётганини билсин.

Шаҳардаги оператив ҳолатни барқарорлаштириш кўп жиҳатдан жойлардаги мавжуд аҳволга боғлиқ. Шу боис ҳар ойда маҳалла фаоллари, раислари, оқсоқоллари билан йиғилиш ўтказамиз.

Ҳаммага маълумки, бугунги кунда ёшларимиз ўртасида жиноятчилик ўсмоқда. Уларни одоб-ахлоқ, миллий урф-одатлардан айирмаган ҳолда камол топишлари учун ҳудудимиздаги барча видеосалонлар фаолиятини назоратга олдиқ. Бундан ташқари ёшларнинг бўш вақтларини намунали ташкил этиш мақсадида бўлим қошида очилган кичик корхонада қўл кураши тўғрисида иш олиб бормоқда.

Шу ерда бир нарсатга эътиборингизни қаратмоқ-

сийси мактабни очиш эмас, унда ўқитиладиган, ўргатиладиган сабр-матонат, эзгулик, олижанобликдир. Спорт залларимиз эшиги барча учун очик.

Маълумки жиноятнинг катта-кичиги бўлмайди. Бугун дайига бефарқ қарасангиз, эртага у ўғрига ёки қотилга айланиши мумкин. Булар ҳисобга олинган ҳолда қонунбузарликнинг ҳамма турлари бўйича режалар амалга оширилмоқда. Масалан, ҳафта давомида гиёҳвандлар, дайдилар, ароқхўрлар, текинхўрлар, муқаддам судланганларни, ишсизларни аниқлаш борасида тадбирлар ўтказиш ҳам фойдадан холи бўлмаяпти, — дейди бўлим бошлиғи Комилжон Қурбонов.

Мен ходимлар билан бўлган суҳбатда бу ерда ташкил топган кичик корхона фаолияти хусусида қизиқдим.

— Кичик корхона «Буюк мезон» деб аталади. Унинг туғилиш тарихи эса мана бундай. Шаҳримиздаги кўп корхоналар ИИБга баҳолиқудрат маблағ ажратилган. Бўлимимиз раҳбари ходимларни йиғиб, мазкур корхонани очиш таклифини ўртага ташлади. Унинг йўналишлари, фаолияти, кутлажан натижалар ҳақида гапирди. Йиғилганлар бу таклифни бир овоздан маъқулладилар.

Бу таклиф, очиги, ҳаммани қувонтирди. Шу кундан

жиҳатдан самаралидир.

К. Қурбоновнинг юқорида 10 гектар ерга ишлов бераётганимиз ҳақида гапириб ўтганлари корхонамизнинг иккинчи йўналишидир. Учинчи йўналиши эса ҳозирча сир бўлиб тура қолсин, — дейди И. Бўриев.

Яхши ният — ярим мол, деган доно халқимиз. Зеро биргина бўлим миқёсида шунчалар савобли ишлар бошланган экан, албатта натижаси ҳам шунга яраша бўлади.

Аммо айтиш лозимки, энг муҳими бўлимдаги ҳўкм сураётган соғлом, самимий муҳитдир. Ваҳоланки, ўртада ишонч, илиқ муносабат, ҳамжиҳатлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш бўлмаган жойда муваффақият ҳам бўлмайди.

— Бу йилги Наврўз шунақанги миллийлик руҳида ўтдики, қойил қолмай иложингиз йўқ, — дейди ППХ милиционерни милиция старшинаси Б. Диёров. — Бу ҳаммамиз учун ўзига хос бир совға бўлди. Ходимларимиз кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўйишди.

Ахир ҳар доим ҳам байрамларни ота-она, бола-чақамиз, ёру дўстларимиз даврасида нишонлайвермаймизку. Бунинг гаши нақадар ўзгача эканлигини ана шунда ҳис қилдим. Уйдагилар ҳам бундан хурсанд. Бошлиқларимизни дуо қилишгани қилишган.

Баҳромнинг гапларини

ЮРТГА ЎЗГАЧА МЕҲРИ БОР

оператив вакили, жиноят қидирув бўлинимаси оператив вакили, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси бошлиғи, участка инспектори сингари вазифаларда ишлади. Ҳозирда Ўртоқлар қишлоқ кенгаши ҳудудидagi милиция пунктида участка катта инспектори.

— Муқаддам уч-тўртта қишлоқ кенгашида ёлғиз участка инспектори бирки-тилари, — дейди Назиржон ака Бўтаев. — Унинг ҳурмати ҳам ўзига яраша, одамлар наздида қишлоқ оқсоқоли билан баробар эди. Ҳатто жиноятчилик ҳам камдан-кам қайд қилиниб, деярли йиряк тартиббузарликлар бўлмасди.

Энди эса бутунлай тескари: битта қишлоқ кенгашида 3-4 нафардан участка инспекторлари. Кошки шунга яраша тартиб бўлса. Майда безориликлар, тартиббузарликлар олдингига нисбатан кўп. Ундан ҳам қишлоқларда тилга олишга ҳам юрагинг дов бермайдиган жиноятларнинг содир этила-

ётганлиги бир ҳайратингга ўн ҳайрат қўшади. Тавба, деб ёқангни ушлайсан.

Бунинг боиси нимада экан? Тартиб-интизом бўшашиб кетдими? Ёки қонунларимиз давримизга мос эмасмикан? Балки, одамларимиз орасида меҳр-оқибат кўтарилганининг бир кўринишидир?

1987 йилнинг январидagi воқеа ҳали ҳамон эсимдан чиқмайди, — дея ёдга олади Исмоилжон Охунов. — Ушанда «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги трактор саройидаги тракторларнинг эҳтиёт қисмлари ўмариб кетилганлиги ҳақида ички ишлар бўлимига хабар келган ва бу ерда махсус гуруҳ тузилганди.

Ўша дақиқадан бошлаб Назиржон ака жиноятнинг миридан-сирингача ўрганиб, тегишли шахслар билан эринмай суҳбатлашди. Оддий нарсаларни ҳам эътибордан соқит қилмай текширди. Тезкорлигини қарангки, бир кеча-кундузда жиноятчини ички ишлар бў-

лимига етаклаб келди.

Маълум бўлишича туман матлубот жамияти тракторчиси ана шундай қалтис ишга қўл урган экан. Кўпни кўрган Назиржон ака бу йигит ҳақида яхлит тушунгача эга бўлганлиги учун ҳам дарров топиб олибди. Ушанда бу воқеа биз учун катта мактаб бўлган эди.

Кейинчалик Назиржон ака билан кўп ишларни биргаликда очдик. Ундан касбийимизнинг барча сир-асрорларини ўрганиб олиш учун гап-сўзларига қулоқ солиб, насихатларини жон-жон деб тингладим.

— Бизни беминнат хизматчилар ҳам дейиш мумкин, — деган эди Назиржон ака суҳбатларимизнинг бирида. — Гоҳида нечасио кундузи тиним билмаймиз.

Лекин одамларнинг биздан норози бўлганларича бор. Негани, айрим ҳолларда жиноятчини қўлга олишда сусткашликка йўл қўйилади. Баъзи милиционерларимиз ўз касбига ўта бепарволик қилишади. Улар

дан ҳафа бўлиш борасида ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки кўп ҳолларда жабрланувчи ва гувоҳлар кўрсатмаларидан қайтиб, жиноятчиға ён боса бошлайдилар. Улар устидан акт тўплаган милиционер эса беворд бўлиб қолади. Оқибатда бепарволик келиб чиқади.

Ички ишлар бўлимида ишловчи ходимларни транспорт билан таъминлаш ҳауузгача ширин туш бўлиб қолмоқда. Ҳамкасбларимиз шахсий транспортдан фойдаланган ҳолларда эса ёниги ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш пайсалга солиноқда. Ҳимоя воситалари, алоқа қурилмалари билан таъминлаш ҳақидаги дардларни айтмай қўяқолай.

Шу билан Назиржон ака Бўтаев ҳақидаги ҳикоямизга нуқта қўямиз. Балки, тақдир йўлларида у билан янада мукамалроқ нарсалар ёзини илинжида учрашармиз. Буниси келажакка боғлиқ.

Муроджон ТУХТАНАЗАРОВ, журналист.

— Назиржон ака ҳақида ёзмоқчисизми? — сўради туман ички ишлар бўлими бошлиғи ёрдамчиси Исмоилжон Охунов шифага терилган қогозларни бирма-бир кўриб чиқар экан ва жавобимни эшитмай давом этди. — Қизил сўзларга ўраб гапирадиган бўлсак, Назиржон ака Бўтаев бизнинг маънавий ўзи ҳам ички ишлар бўлимида энг узоқ йиллар ишлагандардан. Ҳурмат-иззати жойида. Ёшлар унинг айтган йўригидан чиқишмайди. Шогирдларининг сон-саногини йўқ. Ўзим ҳам Назиржон аканинг шогирдларидан бўламан...

Назиржон Бўтаев 1940 йилда Андижон вилояти Избоскан тумани Тўрткўл қишлоғида туғилган. Отаси Рўзибой ака ҳамда волидан муҳтарамаси — Ҳукуматхон опа «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида меҳнат қилишган.

Назиржон 1966 йилда туман ички ишлар бўлими паспорт столида иш фаолиятини бошлади. 1969 йилда Тошкент милиция мактабни тамомлади. Кейинчалик Избоскан туманида ИЖК

Нуктаи назар

(Давоми. Бош 42-сонда).

ВОҚЕА

Август ойининг охирида Николай ўзининг вояга етмаган қизи Валини олиб Сирдарёга балиқ ови-га борди. У ерда биргаликда ичи-шиб, маст бўлиб қолган ота, шайтон йўлдан урибми, қизини зўрлаб қўйди. Кейинчалик шундоққина шаҳар биқ-нидаги далага чиқариб ҳам қизининг номусига теғди. Бу ҳолатларни бир неча бор ертўла ва уйда ҳам содир эт-ди.

Бу ўртада Валя шаҳарнинг бошқа бурчагида яшовчи акасиникига қочи-б ҳам кетди, аммо отаси барибир қайта-риб келаверди.

Ниҳоят иш судга оширилиб, ҳақиқий сур-сурлар бошланди. Ҳолатнинг нақа-дар тубанлик эканини ёзиб ўтириш ортиқча, лекин тергов, суддаги торти-шувлар бундан ҳам ошиб тушади. Ота-нинг гапига қараганда, у қизини маж-бурламаган, балки ароқ ичиш ҳам, жинсий алоқа ҳам ўзининг розилиги ва хоҳиши туйғайли бўлган. Тўғри, бир марта уйда, ухлаш хонасига кириб ечинишни таклиф қилганда кўнмаган ва фақат шундагина пичоқ билан қўр-қитиб...

Бошқа сафарларда келишувчилик билан бўлган.

Қизнинг таъкидлашича эса, ҳар са-фар отаси олдин ичириб, пичоқ билан қўрқитиб зўрлаган. Ва ниҳоят иложи қолмагачгина милицияга мурожаат қилган.

СУҲБАТ

Ёқубжон ЖАМОЛОВ,

Сирғали тумани прокуратураси тер-говчиси, 3-тоифадаги ҳуқуқшунос:

— Қизнинг отаси саккиз йилга қа-малиб кетди.

— Қанақа айб қўйишган унга?

— Балоғат ёшга етмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш, балоғат ёшга етмаганни ичкиликбозликка тор-тиш.

— Нима, қонунда ота, бола деган тушунча йўқми?

— Худди мана шу мавзунинг назар-да тутаётган бўлсангиз, афсуски шун-дай. Бундай оталарга бошқа ҳеч қа-нақа айб қўйелмаймиз.

— «Комсомольская правда»да бун-дан анча бурун бир материални ўқиб қолган эдим. Бир аёл қизини 16 га тўл-маганини-ю, унинг яхши кўрадиган йигитини, қанчалик қарши бўлишма-син, қамаб юборишганини ёзган эди. Қизини шундаки, ҳат ўзбекистондан эди. Шу ерда савол туғилади-да, қо-нунларимиз кимнинг, ниманинг тара-фини олади, ўзи?

— Шунақасиям тез-тез учраб ту-ради. Қонунимизда 95-модда бор. Шун-нинг биринчи қисмига кўра, 16 ёшга тўлмаган қиз билан ихтиёрли равиш-да жинсий алоқада бўлиш ҳам уч йилгача жиноий жавобгарликка тор-тиш билан жазоланади. Фаолиятимда мен ҳам анчагинасини учратганман бунақа ишларнинг. Аксарият йигит-қиз севишган, иккала оила ҳам рози бў-лади турмуш қуришларига. Лекин қо-нун рози эмас. Бу ерга келиб ялини-шади, турмуш қурамай, дейишади. Инсонийлик нукта назаридан қара-ганда, жазолашнинг ҳеч кераги йўқ. Қонун эса жазолаш керак дейди... Қи-йин-да, ишқилиб.

— Қонунларимизда хиёнатга қарши бирор бир чора, жазо борми?

— Сўз юритаётган мавзумиз че-ғарасида сўраётган бўлсангиз, уна-қаси йўқ.

— Бирортаси эри ёки хотинини хиё-нат қилишда айблаб келса нима қила-сизлар?

— Ҳозирча келгани йўқ... Одамлар ҳам аҳволини яхши билишади-ку, ке-лишмаса ҳам керак. Умуман қонунла-римиз, белгиланаётган жазолар ҳам миллий эмас. Ҳатто жазодан ҳам мил-лийлик излаш эришдай туюлиши мумкин-а, лекин бизда авваллари қамоқ, сургу, отиш деган гаплар бўлмаган. Булар ҳаммаси кейинчалик киритилган нарсалар. Ўзимизда дарра билан уриш, қўлини кесиш, осиш ка-би жазолар бўлган, бунинг устига, халқнинг кўзи олдида иккунга этилган булар. Ўша жазоларга қайтсак, яхши бўларди, менимча.

— Яна хиёнат масаласига қайтсак, тўйдан кейинги, яъни «иккинчи кун» машамалари тез-тез бўлиб туради-ми? Умуман мурожаат қилишадими сизларга шу масала бўйича?

— Тушундим. Жуда кам учрайди. Яқинида биттаси келган эди. Суд-тибиёт кўригига юбордим. Унинг ҳулосасига қараб иш тутаверамиз.

ФИКР

Бировнинг қизини бузиш, албатта, номақбул иш, пасткашлик. Лекин ҳар ҳолда бунинг тушунса бўлади, чунки ин-сон ўз нафсининг қўлига айланиб қолган. Камдан-кам кишиларгина бу нарсадан юқорилаша олади, аммо ўз қизини, ўз ўғлини зўрлашни эса ту-шунмиш кўп қийин. Бу нафсининг қўли-га айланишдан ҳам тубанроқ бир нарс-садири, изоҳлашнинг ҳеч иложи йўқ. Бу онгда ҳаммадан юқорироқ тура-миз деб керилувчи инсониятнинг нафс борасида ҳайвонлар қаторида, балки улардан ҳам пастроқда эканини кўрса-тади. Иккита ҳолатни кўриб, бунақа ҳулосалар чиқариш шарт эмас, деган фикр уйғониши мумкин. Афсуски, бундайлар кўп. Энг ажабланидиган то-мони шундан иборатки, бундай оталар ҳамма қатори, баъзан энгилроқ жа-золанадилар. Мана, ўн яшар қизчани зўрлаб қўйган йигит 12 йилга қама-либ кетибди, ўзининг ўн яшар ўғлини зўрлаган эса саккиз йилга, қизининг номусига теккан ҳам шундай. Бу энди қонуннинг ҳеч қанақа бўшлиғи ёки инсонпарварлигини белгиламайди, бал-ки, унинг лўттибозликдан иборат эканини билдиради, холос. Бировнинг

тириб ётган ҳам мана шу қонуннинг ўзи. Унинг энг асосий бегутуруқлиги шундан иборатки, у халқимиз руҳини ифода қилмайди. У бировларнинг бизга тортиб берган чизиги, холос. Мен ҳали ундаги қозилар хоҳлаган қўйга солиб ётган «ёки» деган гапнинг кўплигини айтаётганим йўқ. Ҳозирги мавзу аёл ва эркек муносабатлари хусусида бормоқ-да. Бу қонун бировларнинг томонидан бизга тиқштирилгани унинг бошидан охиригача ифодаланиб, шундоққина се-зилиб турибди. Айниқса 176-моддани ўқиган одам китобнинг жилдига бош-қатдан қараб олади: Ўзбекистонникими ўзи бу? «Умумий-мажбурий саккиз йил-лик таълимни амалга оширишга айнис-са, маҳаллий миллат қизларининг таъ-лим олишига тўсқинлик қилиш...» Бу энди «катта оға»ларнинг тортиган чизиги. Ахир ҳеч қандай ақлли миллат ўзи учун бунақа қонун чиқариб олмайдику. Қолаверса, нега бу ерда тарафкашлик кетаяпти? Қонун барчага баробар де-ганлари шуми, энди? Тавба дейманда, шунақаям қонун бўладими, ҳеч за-монда...

Ушбу мақолани қозоғга тушираёт-ган чоғимда «Оила ва жамият» газети-да бир хабарни ўқиб қолдим. Унда ёзи-лишича, фарғоналик милиция майори хотини ва унинг ўйнашини отиб таш-лаган. Суд эса майорнинг ўзини ҳам

Азалда ифбатсиз қизлар тўйдан сўнг эрталаб эшакка тескари миндирилган-у отасиникига ҳайдалган, дейишади. Ҳеч қанақа милиция, суд, прокуратура, жи-ноят мажмуасию ахлоқ тузатиш, маж-бурий меҳнат деган гапларга ҳожат йўқ.

Иккинчи томондан, бу барчага ибрат бўлиб турибди. Ҳозирчи? Эси бор йигит ифбатсиз келинни иложи борица ими-жимиди, бўлмаса уч-тўрт ой кутиб ту-риб ҳайдаб юборади. Жанжал кўтари-либ, суд аралашса, суд-тибиёт кўриги-га йўлланма берилади. У ёқдан эса орадан ўн-ўн беш кун ўтиб ё иффати турибди ёки ўша кунни бузилган деган қозғо келади. Агар ўша кунни олиган бўлса, йигит тўғмаччи сифатида жи-ноий жавобгарликка тортилади. Турган бўлса ҳам яна жавобгарликка тортила-ди: бировнинг қизини тўғмач билан шарманда қилиш учун уйланиб... Шар-манда қилиш учун шунча даҳмаза шарт-миди, деган мантикий савол ҳеч кимни безовта қилмайди. Йигит учун энг омадли тугаган ҳолатда эса, ўртадаги мол-мулк (уни йигитнинг ота-онаси 20 йил ишлаб тўплаган бўлса ҳам майли) тенг иккига бўлиниб, никоҳ бекор қи-линади.

Одамлар мослашувчан бўлишади. Ва бунинг ҳам чораларини топишмоқда. Бир йигитни биларини. Келини ифбатсиз чиқач, эртаси кун шарт қайнотаси-нинг олдида боради: «шундай-шундай, агар кўёвмидан шунча пул (тўйга кет-ган харажатни айтиб) қарз олдим деб тилхат ёзиб бермасанг, шарманданг чи-қади, ёзсанг бирга яшайвераман», — дейди. Шундай қилиб, орадан бир ой ўтиб нотариусда тасдиқланган тилхат қўлда қолди-ю, «қиз» қувилди. Афсус-ки, ҳамма йигитларимиз ҳам бу қадар ақлли эмас.

Худо раҳмати домла профессор Очил Тоғаев эса аёлларимизнинг ўз-ўзини ёки сабабларидан бири никоҳга қадар қизлик ифбатини сақлай билмас-лик, деган фикрни илгари суради. Қо-нунда номуснинг йўқотилиши, йигитла-римиз ҳам номуссиз бўлиб қолди, дегани эмас. Эркаклар ҳамма нарсани унуттишлари мумкин, фақат хиёнатни эмас. Эркаклар учун энг оғир қийноқ ҳам шу. Ўзини шу азобга дучор қилгани ҳеч қачон кечиролмайди у. Вақтинчалик ёддан чиқариши мумкин, лекин бари-бир бутунлай унутолмайди. Аёллар-нинг эса, ҳозир ёзилаётгандек, жонлари унчалик ҳам савил эмас. Улар ё руҳий касал бўлса ёки гап номусга тақалсаги-на, ўзларига ўт қўйишади. Бошқа бар-ча нарсанинг чорасини топишади улар. Бу ерда Фарғона воқеалари бир тоғора қўлунгадан бошланди, деганга ўхшаш, келиш учун, рўмол учун ўт қўйди ка-би латифанамо гапларнинг ҳаммаси беҳуда. Булар ҳуқуқ ҳимоячиларига айтиладиган гаплар.

Наслни бузувчи асосий нарсалардан бири фоҳишабозликдир. У азал-азалдан бизда иллат сифатида қораланиб кели-ганини ҳамма билади, лекин кейинги пайтларда «ҳурмат-этибор»га сазовор бўлиб, тўрга чиқарилмоқда.

Бу борада ҳам қонун фоҳишаларнинг кўпайишидан манфаатдордай кўринади. Қўшмачилик учун жазо бор, лекин ун-га йўқ. Ҳолбуки, қўшмачи жазоланиб, фоҳиша эркалитиб қўйилса, бу иллат-нинг илдизи қирқилмайди, қайтанга баттарроқ урчиди, холос.

— Бузуқчилик тарғиб этилган ҳаё-сий фильмларни кўрсатишдан асосий мақсад нима эканини биласизми, улар бутун омманинг фикри-ўйини мана шу нарсга жалб қилиб қўймоқчи.

Бу Актамхон аканинг гапи.

Мени эса бошқа бир савол қийнай-ди: фоҳишаларни бунақа эркалитиб қў-йишдан мақсад нима экан-а? Ҳар ҳол-да инсон ўз танасининг ҳоқими, деган инсонпарварлик гоёси учунгина бўлма-са керак.

Хуллас, гапираман десам гап кўп. Лекин бирор натижа бўлармикин? Ра-жаббой Ота Туркнинг ўша, мен жуда ҳурмат қилган гапини яна бир марта такрорлаб ўтай: «Қийин, қийин, бу дунёда номуслига қийин, Қўлингдан келса шундай яшаб кўр». Ҳа, ҳеч қай-си даврда номусли киши учун яшаш осон кечмаган. Бизнинг қонуннинг ўзи номуссизликдан манфаатдор бўлиб турган замонда эса айниса.

ХУЛОСА

Аёлу эркек муносабатлари ўта жид-дий масала. Уни бизга тиқштирилган қонундагидек силлиқина ҳал қилиб бўлмайди. Шу сабабдан ҳам халқ ру-ҳиятидан келиб чиққан ҳолда унга жид-дий ўзгарттиришлар киритилиши лозим. Токи у бузуқликдан манфаатдор бўл-масин. Энг аввало эса халқ онгидаги қонун шунча бўларканда, деган қотиб қолган тушунчани синдириш даркор. Унга халқ қонун учун эмас, қонун халқ учун яратилишини ўқитиш лозим.

Насириддин ШОМУРОДОВ.

ҚЎЛИНГДАН
КЕЛСА...

қизини зўрлаганини жиноят оғир-роқми, ўз қизини? Мантикий ҳу-лоса қилинадиган бўлса, ўз қизига шаф-қат қилмайдиган кишидан ҳар нарс-ани кутиш мумкин. Буларни энди тарбиялаш ҳам беҳуда. Қолаверса, улар ўз ҳаётини булғаш билан бирга бошқа бир инсон — фарзандининг ҳам умри-ни расво қилишган. Энг табарруқ ин-сон — ота томонидан зўрланган киши, бир умр мажруҳ бўлиб, бир умр кўн-гли ўксиб ўтади. У бу ҳаётдан бутунлай совиб, бузуқлик йўлига кириб кетиши мумкин, лекин қалбдаги мажруҳлик бир умр қолади. Шуларни ҳисобла-ганда жамият бундай «ота»лардан ҳалос бўлиши керак, холос. Уларни осиш ке-рак. Ўйламанг, муаллиф бу сўзларни ёзаётганда ҳаяжонланаётгани йўқ, ўша воқеалар таъсирида ҳам эмас. «Осмон-га булут таъсири» дегандек лоқайд кайфиятда ифодалаяпти бу сўзни: осиш керак.

— Саккиз йилга кесиб юбордим. Бу-ларга бериладиган жазонинг энг юқори муддати шу экан...

Бу ўз ўғлини зўрлаган отани суд қилган қозининг гапи. Биз эса бу қо-нунни адолатли деймиз, бўш деймиз. Йўқ. У адолатли бўлганда бундай ота-ларни саккиз йилга қамамаган бўлар-ди. У бўш бўлганда Шокирни 12 йилга кесиб юбормасди.

Ҳаммамизга маълумки, биздаги қа-моқхоналар ҳеч кимни тарбияламайди, тузатмайди. «Ахлоқ тузатиш» деган баландпарвоз ном қўйиб олган бўлсак-да, у ёқда «ўтириб» чиққанлар эса, бор ҳақиқат, адолат ўша ёқдалигини тез-тез эслаб туришади. Ким билсин, улар жамиятда кўрмаган ҳақиқат ва адолат-ни у ёқда кўришгандир, билмадим. Вил-ганим эса қамоқхоналаримиз жиноятчи, қонунбузарлар учун «малака ошириш институти» бўлиб хизмат қилмоқда, хо-лос. Бунинг миллионерлар ҳам хўп би-либ олишган. Бирор жиноят содир бўл-дими, дарҳол «ўтириб» чиққанларнинг олдида югуриб боришади. Ва албатта жиноятни у содир қилган бўлади ҳам. Ҳолбуки, мантиқ бўйича, ахлоқ тузалиб келган жиноятчи тўғри йўлга кириб ке-тиши керак эди. Қонунчилигимизда жазо содир қилинган жиноят учун, яна содир этилиши мумкин бўлган қонунбузарлик-ларнинг олдини олиш учун, қайта тар-биялаш учун берилиши айтилса-да, ас-лида у фақат қилинган жиноят учун берилади, холос. Кейинги иккита тад-бир эса ҳеч қачон амалга оширилма-йди. Қамалган одам 8 йил ўтирса, шун-ча вақт жиноят қилмаслиги мумкин. Тўққизинчи йил учун қафолат йўқ. Биз эса қонуннинг бўшлиғидан нолиймиз. Аслида ўғри, қазооб, қотилларни кўпай-

отувга ҳукм қилган. Маълумки, ўтмиш-да хиёнат қотилликдан-да оғирроқ жи-ноят ҳисобланган. Бугунга келиб эса уни олижаноблик, маданият деб санай-диган даражага тушиб қолдик. Ҳатто-ки, амалдаги қонунларимиз уни ҳимоя қилишга мослаштирилгандир. Ўша май-орни олиш, ўзи ҳуқуқ ҳимоячиси бўла туриб, уни бузди. Нега? Чунки у жуда яхши биладики, қонун номуссизларни-гина ҳимоя қилади ва ҳеч қачон унинг олдида ўз орини ҳимоя қилишни сўраб борган йигит бирор нажот тополмаган, қайтанга ўзи жазо олган, холос. Шун-и у яхши тушунган ва бугунги кун нуқ-таи назаридан энг тўғри йўлни танла-ган.

Бунинг Шарқ дейишади. Севги, муҳаб-бат, ҳис-туйғу — буларнинг барчаси номусдан юқори турган эмас, ҳеч қач-он. Ўтибор қаратган бўлсангиз, «Ўй-наш», «жазман» сўзларининг айтили-шида қандайдир қаҳр, жирканишга ўх-шаган туйғулар ифода этилади. Бош-қаларда эса бундай эмас. Бир вақтлар кўрган фильмдаги аллақандай ойм-ча айтган ушбу сўзлар ҳеч ёқимдан кўтарилмайди: «Бечора Россия, Фран-циянинг қачонлардан қолган эски шля-пасини кийиб юрибди». Шундан келиб айтмаман-да, эскига ёпишиб олиш уму-ман яхши эмас. Бировнинг эскисига ёпишиб эса икки қарра яхши эмас.

Биз бировнинг эскисига тармашиб олганимизда, қонунларимизда ҳеч бўлмаса икки оғизгина номус, хиёнат ҳақида гап бўларди. Унинг ҳозирги аҳ-волида эса бу сўзлардан қизғончилик-кина тушунади, холос. У ҳаммамиз-ни саҳий бўлишга ундайди. Халқимиз эса бу борада ҳамма вақт бахил бўлиб келган. Энг даҳшатлиси эса халқ мана шунга кўникиб кетган, худди шундай бўлиши керак, деб ўйлайди у. Яъни қонуннинг ойдаю, ўзини ерда юргани-ни табиий ҳол деб ҳисоблайди. Аслида фуқароларнинг эрки, ҳуқуқини ҳимоя-лаш керак бўлган қонун қайтанга улар-ни жазоловчи нарсга айланиб қолган, бизда.

Фикримни исботлашга ҳаракат қилиб кўраман: Вояги майорни олайлик. У ҳу-қуқ идораларига мурожаат қилганда нима бўларди? Ҳеч нарсас. Ўзи тўғмач-чи сифатида жазосини оларди. Ахир қонунларимиз аёлни эркекдан ҳимоя қилишгагина ихтисослашганда. Эркак-ларни эса қўриқлайдиган ҳеч нарсаси йўқ. Аёллардан эмас, қонундан.

Азалдан муқаддас саналиб келаёт-ган ифбат масаласини олайлик. Рас-мий доираларда ҳеч ким бу билан жид-дий шуғулланмайди, яъни адолатли ҳал қилиб бермайди. Бунинг устига халқ-ни ўз ҳолига қўйиб беришмайди ҳам,

Хизматларда

ДН

Чамаси соат 22 лар эди. Моддий-товар бойликларни олиб чиқиб кетилишини назорат қилувчи 151-Дўстлик постанда кичик инспекторлар Мадамин Содиқов ва Жонгир Қурбоновлар сергак туришарди. Вилоят ҳудудидан чиқиб кетаётган «ЗИЛ-130» белгили 17-25 ДВБ рақамли машина ҳайдовчисига тўхташ ҳақида ишора қилишди.

Машинадан сакраб тушган ҳайдовчи Тоҳир Холматов ҳужжатларини узатаркан:

— Командир, юк йўқ, қуруқ қайтапмиз, — деди.

— Баъзан шунақаси ҳам бўлади, қани, юкхонани очинг!

— Айтдим-ку, командир, ҳеч нарса йўқ деб. Қуруқ яшиқларни ортоволганмиз.

— Барибир кўриб қўйлик.

— Наҳотки менга ишонмайсиз? Қасам ичайми? Мана, алдасам, худо урсин!

Йўқ, барибир назоратчилар аҳдларидан қайтишмади. Чунки ҳайдовчининг тинмай жавраши уларнинг шубҳасини баттар кучайтирарди. Юкхонани очишдию қуруқ яшиқларга кўзлари тушди. Милиционерларнинг бироз бўшаганини кўриб, ҳайдовчининг жағи яна очилиб кетди.

— Одамга ишониб ҳам керакда, командир, наҳотки кўпчиликнинг ризқини қиядиган ҳаромтомоқларга ўхшасам? Ҳатто қасам ичдим, худони ўртага қўйдим-а!

— Начора, хизматчилик, қани, энди яшиқларни бир чеккага сурунг!

Бу гапни эшитиб, ҳайдовчи шундай бўшашиб кетдики! Унинг бу ҳолати бе-

корга эмас экан. Бўш яшиқлар пастга олинган, сир шош бўлиб қолди. 370 килограмм гуруч, 90 килограмм қўй гўшти, 500 қути вазелин, 200 жуфт калиш, 29 метр чит газламаси — ҳаммаси бўлиб 20 минг сўмлик ҳар хил моллар гоёт усталлик билан яшириб қўйилган экан. Тожикистоннинг Ҳисор туманилик ҳайдовчи энди бу моллар мусодара этилиши ва ўзига жарима со-

«КамАЗ-5320» белгили 58-19 ДБА рақамли машина ҳайдовчилари Нурилла Собиров ва Рашид Ашуровлар назоратчиларда нима учундир шубҳа уйғотди. Улар ҳам бояги қахрамони-миз каби худони ўртага қўйиб, юкхонада ҳеч нарса йўқлигига милиция ходимларини ишонтирмоқчи бўлишди. Юкхона очилган, яна бўш яшиқларга кўз тушди.

«ХУДО УРСИН»



линишини сезди шекилли:

— Худо урди, — деб юборди беихтиёр.

— Бунақанги ҳийлакорлар фаолиятимизда кўп учрайди, — дейди шу пост бошлиғи милиция катта лейтенанти Бигибек Ражабов. — 23 февраль кунини ҳам ходимларимиздан милиция сержанти Илҳом Машарипов ва милиция старшинаси Ғофир Жумабоевлар «худо-жўй» ҳайдовчини тўхтатишган.

Воқеа бундай бўлган:

— Энди яшиқларни пастга туширамиз, — дейишди назоратчилар.

Бу гапни эшитиб, ҳайдовчилар бутунлай ўзларини йўқотиб қўйишди.

— Озгина гуруч бор эди, — дейишди шалвираб. Текшириб кўришса, «озгина» гуруч, 68 қоп бўлиб, умумий оғирлиги 5 минг 956 килограммни ташкил этди.

Ишнинг чаппа айланиб кетганидан чўчиган ҳайдовчилар милиция ходимлари билан «тил топишиш»га уриниб кўришди. Катта пул ваъда қилишди ва шу эвазига ёпиғлик қозоннинг қоп-қогини очмасликни сўрашди.

— Тушингизни сувга айтинг! — дейишди назоратчилар ва ўзлари гувоҳ бўлган қинғирликни расмийлаштира бошладилар.

Саъдулла БОБО.

Суратда: давлат назорати ходими милиция старшинаси Мадамин Содиқов бирорта машинани ҳам эътибордан четда қолдирмайдиган Муаллиф олган сурат.

ЖАМОАТЧИЛАР КХД
ТАҚДИРЛАНДИЛАР

Кейинги йилларда юзага келаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий муаммолар фуқароларнинг моддий ҳолатлари ва ҳаттоки, маънавиятларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмаяпти. Молиявий аҳволнинг оғирлигини рўқач қилиб, халқ назоратчиларини тарқатиб юборган раҳбарлар ўзларини хоҳлабми-хоҳламайми жиноятчили-нинг ўсишига ҳисса қўшишаётганини билишармикин?

Лекин жамоатчилик билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамкорликда ҳаракат қилиб, жуда яхши натижага эришган вақтлар бўлган-ку! Тошкент зилзиласи давридаги ҳамкорликни олайлик. Ушанда шаҳардаги бирорта очик қолган дўконда ўғирлик қили-нишига йўл қўйилмаган.

Олмалиқ шаҳар милицияси билан шаҳар корхоналари ўртасида халқ назоратчилари ҳаракатини қайта тиклаш борасида шартнома тузилиб, иш бошлаб юборилди.

Бундай ҳаракат Ғалаба туманида ҳам бор экан. Айнан шулар ҳақида сўз юритмоқчи эдим...

Бир неча кундан буён У. Шокиров ва И. Норбўтаевларнинг уйларида содир этилган ўғирлик бўйича текширув ишлари кетаётган эди. Бу вақт ичида кўпгина нарсалар аниқланиб, энди шу жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Николай исмли шахсни гумондор сифатида қўлга олиш режалаштирилган. Аммо жамоатчиларнинг ёрдами жуда зарур эди. Бунга эса Шермат ва Тўлаган исмли ҳамза-

номли жамоа хўжалиги ишчилари жалб қилинди. Улар фаол жамоатчилардан саналиб, бунақа ишларда тез-тез иштирок этиб туришарди.

Оператив гуруҳ Николайни участка вакили хонасига суҳбатга чақириб, ўша ерда қўлга олишни лозим топди. Шу ҳолда хавфсизроқ эди. Уни чақириб келиш учун участка вакили Баҳодир Мўминов билан бирга икки жамоатчи — Шермат ва Тўлаганлар ҳам борадиган бўлишди.

Николай эса анча пихини ёрганлардан экан. Дарҳол гап нимадалигини англаб, Баҳодирнинг: «Хонамга юр, гап бор», — деганига жавобан, чўнтагидан тиғи ялтираб турган пичоқ чиқарди. Вазият жуда танг эди. Бунини кутмаган участка вакили ўзига келиб улгурмасдан, Николай Шерматга ташланди. У гурчиллаб полга йиқилди. Баҳодир тўппончасини чиқариб, икки маротаба осмонга қара-та ўқ узди. Фишт қолипдан кўчган эди. Жиноятчини бу билан инсофга чақириб бўлмаслигини сезган участка вакили унинг пичоқ тутган қўлини нишонга олиб отди. Ўқ унинг елкасини ялаб ўтди, худди шу пайт Тўлаган Николайга ташланди. Учовлашиб жиноятчини қуролсизлантиришди. Бу вақтда воқеадан хабар топган оператив гуруҳ ҳам етиб келган эди.

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи буйруғи билан Шермат Жабборов ва Тўлаган Пардаевлар пул мукофоти билан тақдирландилар.

М. МИРСОВУРОВ,
ички хизмат майори.

ВЕИН

Аслида вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳар бир жиноятда озми-кўпми ҳар биримизнинг ҳам ҳиссамиз бор. Айталик, энди тили чиққан болакай ҳарфларни бузиб айтсада, бўралатиб сўкса, қувонамиз. Жажжи қўлчасига данакдек тош олиб, кимгадир отганида, бундан ҳам завқланамиз. Аммо бу қувонишимизу завқланишимиз уни қонунбузарлик сари руҳлантиришдаги биринчи қадам эканлигини минбағ ўйлаб кўрмаймиз.

Ана шундай «болақонлик» тергов ҳаракатлари давомида ҳам, суд жараёнида ҳам яққол кўзга ташланади. Ҳар икки гапнинг бирида унинг вояга етмаганлиги такрорлаб турилади. Жазо белгилашда ҳам ана шу жиҳат, албатта, инобатга олинади. Бу эса қора курсида ўтирган, аммо вояга етмаган қондабузар учун навбатдаги рағбатдан ўзга нарса эмас.

Мен бу билан уларга қаттиқ чора кўриш керак, деган фикрни тарғиб қилишдан йироқман. Ҳар ҳолда у мустақил одам бўлиб шаклланмаган, ёшлик қилиб адашган бўлиши мумкин. Ундайларга жамоат иззаси беришнинг ўзи ҳам етарлидир эҳтимол. Аммо ҳамма жиноятни ҳам бир хил қолип, бир хил тарози билан ўлчаб бўлмайди-ку!

Фикримнинг исботи учун битта мисол келтириман.

Марғилон шаҳрининг Ашхобод кўчасида яшовчи Маъмуржон Қосимов ҳамда шу шаҳардаги Гагарин кўчасида истиқомат қилувчи Раҳмат Исроиловлар шу йилнинг 21 январь кунини иттифоқо учрашиб қолдилар. Ҳали вояга етмаган бу ёшларнинг юзлари тунд, нимадир дилларини хижил қилиб турарди.

— Ҳа, Маъмур, қовоғингдан қор ёғпти, тинчликми? — деб сўради Раҳмат.

— Э, нимасини айтасан, яқинда армияга кетаман. Уртоқларимга хайрлашув кечаси қилиб беришим керак. Ароққа пулни қардан оламан, деб, бошим қот-япти.

Раҳмат ҳам унга қўшилиб замондан олинди.

— Менинг ҳам бир нарсадан таъбим тиррик. Кеча Аҳмад билан пича «гарда-кам» ўйнагандик, 800 сўм ютқазиб қўйдим.

Кенгашли тўй тарқамас, деганларича бор экан. Икковлари ўйлай-ўйлай му-

аммонинг ечимини топишди. Ўғирлик қилиш керак. Эҳтиёт бўлиб, ўзларидан из қолдиришмаса бўлгани. Бир неча соат ичида керагича пул топиш мумкин.

Шундай қилиб, вояга етмаган икки ўртоқ ўзаро жиноий тил бириктириб, 22 январга ўтар кечаси соат бирларда Тошлоқ туманидаги Қўрғонча қишлоғига мушукдек пусиб келишди. Гагарин кўчасидаги 76-уйга яқинлашиб, аввал обдон кузатишди. Кейин билдирмай ичкарига киришди. Бу пайтда хонадон эгаси Халилжон Абдурахимов ҳам, бу оиланинг бошқа аъзолари ҳам маст уйкуда эдилар. Ҳовлидаги икки шарпани ҳеч ким сезмади. Бундан фойдаланган ўғирлар ишга киришиб кетди. Раҳмат пойлоқчилик қилди. Маъмур эса атрофи ёғоч панжара билан ўралган қўйхонага кирди. Икки бош қўйнинг бўйнига арқон солиб, ташқарига судради.

Маъмур ва Раҳмат бир-бирига чурқ этмас, аммо бугунги ов бароридан келганидан иккови ҳам ўзида йўқ шод эди.

КИЧИКЛАРНИНГ
КАТТА ГУНОҲИ

Энг пасткам, хилват йўллардан, камдан-кам одам биладиган сўқмоқлардан юриб, Марғилонга келишди. Қўйларни Арабгузар маҳалласи ёнида янги қури-лаётган, Жамолдин Ғафуровга тегиш-ли бўлган уйга олиб кириб, яшириб қўйишди.

Иш ўзлари ўйлаганча силлиқ борарди. Энди бу ёғига ҳам бўшамасликка қарор қилишди. Икковлон Комсомол кўча-сидаги 28-уйда яшовчи Азимжон Юсу-повни чақириб уйғотишди.

— Нима гап, тинчликми? Уйқунинг ҳам белига тепдиларинг-ку!

— Э, уйқуни қўя туринг, кейин дам оларсиз. Ҳозир икковимиз иккита қўйни ўмариб келдик. Шунини тинчитиб берма-сангиз бўлмайди.

Азимжон аввалдан қассобчилик билан шуғулланиб келарди. Бу, албатта, бир касб. Аммо у қўйларнинг ўғирлик экан-лигини билсада, ўзини четга тортмади.

Қайтанга илтимосларини рад этмасдан уларнинг жиноий шеригига айланди.

Қўйлар Жамолдин Ғафуровнинг уйи-даёқ саранжом қилинди. Териси, калла-пачалари шу ерда яширилди. Гўшти эса Юсуповнинг уйдан келтирилган арава-чага юкланди.

— Энди колхоз бозорига олиб бориш керак, кетдик! — дея Азимжон Юсупов ташаббускорликни қўлга олди.

Унга Раҳмат эргашди. Маъмуржон эса қонга бўялган кийимларини алмаштириш мақсадида уйда қолди.

— Илтимос, ака, икки бош қўйимиз бор эди, шуларни сўйдик. Сотиб берсангиз, — дейишди Халил Қодиров деган қассобга гўшт келтирган йигитлар.

— Мўлжалларинг қандай?

— Бизга ортиқчасининг кераги йўқ.

Килоси 60 сўмданга тўғри келса бўлди.

Тортиб кўришса, икки бош қўй гўш-тининг оғирлиги 52 ярим килограмм экан.

— Яхши, келишдик, — деди Халил Қо-

диров. — Аммо пулни сотиб бўлганим-дан кейин олмасизлар. — Унда биз кечқурун соат бешларда келамиз!

Аммо улардан олдин қассобга мили-ция ходимлари учрашди. Бугун бе-гона кишилар гўшт топиришди-миз-йўқми — шу билан қизиқишди. Қассоб эрта-лаб бўлган воқеани оқизмай-томизмай айтиб берди. Соат бешларда эса пулга келган йигитчалар хибсга олинди. 52 ярим килограмм гўшт эса ашбвий да-лил сифатида ИИБга олиб кетилди.

Кейин Азимжон Юсупов кўрсатмаси-га асосан Жамолдин Ғафуровга тегиш-ли ҳовлига боришди. Уйларнинг ичка-рисидан кеча сўйилган икки бош қўй-нинг калла-пачалари, териси ҳам то-пиб олинди. Худди шунингдек, қўйлар-ни сўйишда ишлатилган миллий пичоқ ва қон теккан тўн, Маъмуржоннинг ши-ми ҳам изқуварлар эътиборидан четда қолмади. Бояги қўй туёқлари ва калла-

лари жабрланувчи Халилжон Абдура-химовга кўрсатилганида, кечагина қўйхо-насида маъраб турган ўз ҳайвонларини дарров таниди.

Бор гап шу. Келинг, энди вояга ет-маганлар томонидан содир этилган ана шу жиноий ишни ўзимизча бир таҳлил этиб кўрайлик. Агар ёдингизда қолган бўлса, бу ишни бошламасдан олдин Маъ-муржон ҳарбий хизматга кетиш олдида ўртоқлари учун зиёфат уюштириш керак-лигини, аммо ароқ сотиб олиш учун пу-ли йўқлигини айтганди. Бир томондан олиб қараганда, унинг куйинганича ҳам бор. Чунки армияга кетиш олдида вояга етмаганларнинг мириқиб ичкиликбозлик қилиши одат тусини олган. Бундай та-дбирларга қарши чиқсангиз, баъзи катта-лар фикрингизни рад этишади. «Булар ҳам йигит бўлиб қолди, энди оз-моздан ичиб туришса, ҳеч нима қилмайди!», — деб айтишади. Уша катталар тергов ҳа-ракатлари ёки суд жараёнида эса бояги гапига ўзлари қарши чиқишади. «Иложи бўлса, гуноҳидан ўта қолинг, болалиги-га борибди», — деб ҳатто кўз ёш қили-шади. Демак, вояга етмаганларга ароқ ичиш мумкин, қимор ўйнаш мумкин, ўғ-рилик қилиш мумкин эканда?! Вояга ет-маганлик ана шундай ярамас ҳатти-ҳа-ракатлар учун имтиёз берарканда?! Ма-на, кўргуликларимизнинг асосий сабаби нимада! Ахир, бизнинг вояга етмаган қахрамонларимиз ҳам бири ичкиликбоз-ликка пул топиш, иккинчиси қиморда ют-қазиб қўйган 800 сўм ўрнини қоплаш учун қасддан жабрланувчига 5 минг 100 сўм моддий зарар етказди. Бунини улар-нинг «вояга етмаганлигини» эътиборга олиб, кечириб юбориш ёки жазо му-датини кечиктириш мумкинми? Асло! Ҳатто уларни шу алфозда тарбиялаган, ичкиликбозлик, қиморбозлик, яна бошқа биз билмайдиган нотўғри ҳатти-ҳа-ракатларга ўз бефарқликлари билан рағ-батлантирган ота-оналарини ҳам жавоб-гарликка тортиш тарафдориман. Улар-нинг ўзигагина эмас, қўни-қўшнилари, маҳалла фаолларини оқсоқолларига ҳам шу кўчадан шундай тарбияси бола чиқ-қани учун дашном бериш тарафдориман. Қисқаси, битта болага етти маҳалла ота-она, деган нақлнинг маъзини тўла ча-қиб олишимиз ва ўша тушунчаларни амалга кўчиришимиз керак. Шундагина кичикларни катта гуноҳлардан асраб қолган бўламиз.

Алп ЭРДОН.

«ҚОРА ШУБАЛИ ЎҒРИ»

(ҲАЖВИЯ)

Фаёз Фозилов одати бўйича кечки овқатдан сўнг рўзномаларни варақлади. Марказий рўзномалардан бирида уюшган жиноятчилар ҳақидаги мақолани ўқиди. Қўнглини ғашлик қоплади. «Ойнаи жаҳон»ни қўйди. Ўчакишгандек унда ҳам ички ишлар вазирлигининг маълумоти бериларди. Бошқасига бурди. Кино. Ё тавба! Кино ҳам ўғрилар ҳаётдан экан.

«Ўғрилارга ҳам қўйил қолмай иложинг йўқ. Кимда нима борлигини билишадими-я. Ишқилиб худо ўзи асрасин...»

Ташвишланганича бор. Ахир, у амалдор. Пора деса, ўзини томдан ташлайди. Топган-тутгани учинчи авлодига ҳам етиб ортади. Аммо кўз қурғур тўймаскан. Кейинги пайтда бойликларидан маҳрум бўлаётгандек негадир ҳавотирда қолди. Одамларга гумонсираб қарайди. Бойликларини ҳар кун текширади. Яширган жойларини тез-тез ўзгартиради.

Қуриб кетсин, бугун тушига ҳам ўғрилар кирибди. Ярим тунда босинқираб уйғонди. Совуқ чойдан симириди.

«Ўзинг асра, худойим, энди пора олсам... Шуёғи ҳам етади».

Фаёз Фозилов ёнбошлади. Кўзи энди илинганди. Ичкари уйда нимадир чирсиллади. Биров олмос билан ойнани кесаётганга ўхшади. Унинг бутун вужуди қўлоққа айланди. Чирсиллаш такрорланди. Нимадир тарақлади. Сервантми, шифонерми очилди.

«Ўғри! Калит қидирипти!»

Дераза ойналарининг кесилиши, пиш-пишларга янада шубҳали овозлар, ҳаракатлар қўшилди. Ўй ортга машина келиб тўхтагандек бўлди.

«Мафия!». Уни мисоли безгак тутарди. Нима қилиш керак. Тиш-тирноғига-ча қуролланган группа бўлмаса, бунчалик дадил ҳаракат қилмасди. Бойликларини қандай асраб қолади. Савдода қанча ишлаган. Тилланинг ўзидан... ҳа, тил курсин, суяксиз бўлмай. У ўзини босишга уринди. Сени хотинини туртди.

— Тур, хотин, тур, ўғри!

— А, нима?

— Секинроқ! Ўғри деяман! Эшикнинг тутқичидан бор кучинг билан олдинга тортиб тур.

Ўзи ҳар эҳтимолга қарши стулнинг оёғини эшикка қистирди. Ўғилларини ҳам уйғотди.

— Низом, сен менинг милтиғимни олиб, мўридан томга чиқ. Чори, деразадан чиқиб, дарвоза ёнига яшин. Бирортасини таниб қоларсан.

Уйда яна нимадир қирсиллади. Синди.

— Излапти!

Фаёз Фозилов телефонга яқинлашди.

— Алло, милицияданми? Мен Фаёз Фозиловман. Раҳмат. Қўлоқ солинг. Уйимизни ўғри босди. Ҳаммаси қуролланган. Тезда, иложи бўлса автоматлар билан келинглари. Искович ит эсдан чиқмасин. Қўшни шаҳардан ёрдам сўранглари. Тезроқ!

Бир оздан сўнг кўчани милиция босиб кетди. Кўрагига темир қалқон тутган йигирма чоғли милиционерлар уйни қуршаб олишди.

Гуруҳ бошлиғи майор Рафиқ Лочинов микрофон орқали ўғриларга мурожаат қилди:

— Қўлоқ солинг! Сизлар қуршовдасизлар. Қаршилиқ кўрсатиш бефойда. Уч дақиқа вақт бераман.

Садо йўқ. Милиционерлар ҳар томондан уйга яқинлашди. Уч киши ичкарига кирди. Фаёз Фозиловнинг хотини ҳамон кучанганча эшик тутқичидан тортиб турар, қора терга ботиб кетганди. Қўйиб юбордию йиқилди. Эшикни икки томонига икки киши турди. Учинчи киши эшик тўғриси-га туриб, ичкаридагиларни яна бир бор огоҳлантирди.

Жимжитлик. Ичкарида кичкина лампочка ёниб-ўчгандек бўлди. Милиционерлар ўзларини ичкарига уришди. Чироқ ёқилди. Ҳеч ким йўқ. Хонадаги музлатгичнинг эшиги очиқ. Ерда гўшт, қатиқ пишшалари, чинни ликопчалар. Шишалардан бири синган. Бир парча гўштининг олдида эса...

Милиционерлар хонадан қайтиб чиқишди. Унвони каттароғи шерикларига қараб «отбой» деб қўйди. Улар чиқиб кетишди. Фаёз Фозилов эса ҳеч нарсага тушунмай, тутулиб сўради:

— Ҳа... ушладинглари?

— Ушладик. Ўғри қора шубали экан. Ўзиям ой-кунни яқинга ўхшайди.

— Нима? Хотин кишим бор эканми?

Милиционер истехзоли кулдида, креслога бориб чўқди. Шу пайт ҳалиги хонадан оёқлари қаттиққа булганган «қора шубали ўғри» миёвлаганча чўгдай ёниб турган гиламга «чиройли» излар қолдириб, ташқарига отилди...

Тўхташ АШУРОВ.

АДО ҚИЛДИНГ

Бошимга ишқ ўтин, жоно, солиб не можаро қилдинг, Бузиб аҳду паймонани мени мотамсаро қилдинг.

Олиб аввал ҳаёлимни қаро зулфинга банд айлаб, Не тонг, энди ҳаётимни қаро тундек қаро қилдинг.

Висолинг кўйида шодон бўлурман деб умид этдим, Вале, сен ҳажр ўқи бирлан юрак-бағрим яро қилдинг.

Юрагим чоклари чок-чок бўлиб гирёна йигларман, Ки, Мажнун ошмёнида ғарибу мубтало қилдинг.

Бухором боғлари титрар куйиб оху фиғонимдин, Не қилсанг ҳам мени, жоним, адо қилдинг, адо қилдинг.

На ўлгумдир, на қолгумдир мен Зикрулло билолмасман, Муаллақ жисму жонимни икки дунё аро қилдинг.

Зикрилла НЕЪМАТОВ,
милиция катта лейтенанти.



Лаб эмас у қимтинган, муҳаббатнинг гунчаси,
Қўлингдан гул эмас, гижимланган бир юрак.
Олий бахтни сўроқлайди келинлигинг либоси,
Эй санам, бундин ортиқ сенга яна не керак?

Кулани кен дунё

ШИША СОТИБ

Бўри жуда кўп ичарди, кўён эса унинг акси эди. Бир кунни бўри велосипедда кетаётган кўёни учратиб қолди.

— Уни қаердан олдинг? — сўради бўри.

— Сен ҳамма пулингни ичиб тугатдинг, мен эса велосипед олдим, — деди кўён.

Бошқа сафар машинада кетаётган кўёни кўриб бўри сўради:

— Бунни қаёқдан олдинг?

— Сен бор пулингни ичдинг, мен эса йиғиб машина олдим.

Орадан бир ҳафта ўтди. Кўён ўрмонда кетаётган вертолётда учиб келган бўрини кўрди. Ҳайрон бўлиб сўради:

— Вертолётни қаёқдан олдинг?

— Шишаларни топширдим...

«ДАНГАСАЛАР»

Икки маст уйга кетмоқда. Кун совуқ. Йўл четида сомон уюми турарди. Бир иккинчисига таклиф қилиб қолди:

— Кел, ўт ёқиб исинамиз.

Улар сомонни ёқиб исина бошлашди. Қишлоқдаги кишилар ўт ёнаётганини кўриб, уни ўчариш учун югуришди.

— Анави дангасаларни қара, — деди мастларнинг бири. — Ўт ёқишга эринишадю, исинишга ҳаммалари югуришади.

СОХТАСИГА

РОЗИ ЭМАС

— Жаноб адвокат, менинг ишим билан шуғулланишингизни илтимос қиламан.

— Сизни нимада айблаш-япти?

— Сохта пул ишлаб чиқаришда.

— Яхши, сизни ҳимоя қиламан. Лекин сиз менга ҳақиқий пул тўлайсиз...

ЁЛҒОН ГУВОҲЛИК

Суд ишида келишган қиз гувоҳ сифатида қатнашмоқда. У маъмурият томонидан давлат маблағи суиистеъмол қилинган корхонада котиба бўлиб ишларди.

— Гувоҳ! — деди судья. — Мабодо ёлғон кўрсатма берсангиз, сизни нима кутишини биласизми?

— Ҳа, — деди қиз. — Директор қандайдир чет эл пустини ва икки минг сўм ҳақида айтганди.

Русчадан
Адҳам ҲАМИДОВ
таржимаси.

«ПОСТДА»

Муҳаррир

Зокир ОТАЕВ.



Телефонлар: муҳаррир —

54-37-91, муҳаррир ўрин-

босари — 39-77-23, мух-

бирлар бўлими — 59-26-56,

59-20-92, умумий бўлим —

59-21-21.

Обуна рақами — 64615.



МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700029, Тошкент, Лопат-

тин кўчаси, 1.

* Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт. * Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади. * Муаллифнинг мулоҳазаси тахририят фикрига мос тушмаслиги мумкин. * Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Ўзбекистон Жумҳурияти

«Шарқ» нашриёт-матбаачилик

концерни босмахонаси,

700083, Тошкент,

Ленинград кўчаси, 32.

Рўзнома офсет усулида,

А-3 қолипда босилган.

Босмага бериш вақти 18.00.

Босмага берилди 17.00.

12.952 нусхада чоп этилди.

Буюртма — № Г—96.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10

БОШҚОТИРМА

Ҳурматли муштарий! Жавобларни шаклда белгиланган хонадан соат миля йўналишида рақам атрофига ёзинг.

1. Ливия, Тунис мамлакатларидаги пул бирлиги. 2. Байрам олди. 3. Спорт тури. 4. Тоғлар оралиғидаги маскан. 5. Ҳамид Олимжон поэмаси ҳақрамон. 6. Шамош кемаси. 7. Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати раҳбари. 8. Тўппонча тури. 9. Ойнаи жаҳон қисми. 10. Пойгада сўнгги нуқта. 11. Кучли таъсирдан қаттиқ силкинди. 12. Қўрилиш материал. 13. Автомобиллар пойгаси.

Энди шакл марказидаги рақамларни жавобларнинг биринчи ҳарфлари билан алмаштиринг. Бунда ибратли ўзбек халқ мақолларидан бири аён бўлади.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.



Рўзномамизнинг ўтган 21 март сонидан чоп этилган «Қимматга тушган табрик» сўз ўйинининг жавоби:

1. Ногоҳ. 2. Кўза. 3. Водиллик. 4. Рост. 5. Утмиш. 6. Занжир. 7. Ойи. 8. Зиён. 9. Келин. 10. Бўри. 11. Зўр. 12. Марра. 13. Уюр. 14. Булоқ. 15. Одил. 16. Ражаб. 17. Нишона. 18. Кўрик.

Таклиф, мулоҳаза, мунозара

«Постда» рўзномаси энг яқин маслаҳатгўйимга айланиб қолган. Унинг ҳар бир сонини иштиёқ билан ўқийман. Мана, у иккинчи йилдирки, бир саволга аниқ жавоб топиш мақсадида турли мақолаларни чоп этипти: «Нима учун жиноятчилик ўсиб борапти?»

Шу пайтгача жумҳуриятимизнинг турли жойларида хизматини ўтаётган ҳамкасбларим бу саволга деярли бир хил жавоб қайтаришди. Қонунбузарликка қарши курашиш нафақат милициянинг, балки умумхалқ вазифаси бўлмоғи керак. Айтайлик, автобусда безори бир қизни хафа қилаётган бўлса, девдай-девдай йигитлар ҳам ўзини кўрмаганга олишади. Танқисроқ нарсани отасининг баҳосида пуллаётган чайқовчинни тутиб беришга ошиқмайди, яна бепарво қараб тураверади. Билса ҳам ўғри-муттаҳамлар ҳақида ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларини огоҳлантирмайди. Бунақада милициянинг ўзи осойишталикни қандай таъминласин?

Бир томондан қараган-

да, жуда тўғрига ўхшайди бу гап. Аммо чуқурроқ мулоҳаза юритилса-чи?

Келинг, муаммага кенгроқ назар ташлайлик. Дейлик, битта қаллобни фош этишда фуқаролик бурчингизни бажариб, милиция ходимларига яқиндан кўмак бердингиз. Юз фоиз кафолат бераманки, тергов

йўқолиб бораверади. Ростда, беш-олти ойлаб, ҳатто бир-икки йиллаб «ўрганиш» жараёнида гувоҳлар аввалги кўрсатмаларини ўзгартиришлари ёки қонунга ишончларини йўқотишлари табиий. Жиноятчиға эса барибир, қамалса ҳам маълум муддат ўтгач, қайтиб келади.

ИМИЛЛАШНИНГ БОНСИ
НИМА?

жараёнида ўша айбланувчидан кўра кўпроқ оворасарсон бўласиз. Қанчадан-қанча қимматли вақтингизни бой берасиз. Агар айбдор енгил жазо олса, кейинчалик сиздан қасд олишга уриниши эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Шунга ўхшаш жиҳатлар сабаб бўлиб, юртдошларимиз оч қорним, тинч қулоғим нақлини сув қилиб ичиб юборишган.

Менга қолса, жиноятчининг иссиғида жазолаш тарафдори эдим. Вақт қанча кўп ўтса, унинг «ҳиди»

Жумҳуриятимиз жиноят ва жиноят-процессуал мажмуаларини замон талабига мослаб, зудлик билан ўзгартириш керак. Бу борада фақат собиқ ССЖИ қонунларидан кўчирма олавермай, Шарқ мамлакатлари тажрибасидан, керак бўлса, Қуръондан фойдаланишимиз лозим.

Ҳозирги аҳволда эса ҳеч ким ўз ихтиёри билан бошини балого қўйиб, гувоҳлик бермайди. Ҳаттоки, ЖМнинг 162-моддасида: «гувоҳнинг кўрсатма бе-

ришдан бош тортиши ёки бўйин товлаши... олти ойгача муддатга ахлоқ тузатиш иши ёки 100 сўмгача жарима солиш, ёхуд жамоат иззаси бериш билан жазоланади», — деган тартиб мавжуд бўлса ҳам.

Қолаверса, уни гувоҳлик беришга мажбур қилиш ҳам амалда мумкин эмас. Чунки шу мажмуанинг 159-моддасида суриштирув ёки дастлабки тергов олиб боровчи шахс ўша жараёнда қўрқитса ёки бошқа ҳатти-ҳаракатлар қилса, жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Кўряписизми, қонунларимизнинг қанчалар сийқа ва ожизлигини! Бу ҳақда рўзномада аввал ҳам ўткир фикрлар берилган. Аммо ҳанузгача уни янгилаш борасида амалий ҳаракат сезилмаяпти. Қонуншунос олимларимиз тор хоналаридан ташқарига чиқишлари, халқ фикри ва талабини ўрганишлари керак.

И. ОХУНОВ,
Избоскан тумани ИИБ
бошлиғи ёрдамчиси милиция капитани.

ҚИДИРИЛМОҚДА



Ички ишлар идоралари томонидан 1958 йилда Шаҳрисабз шаҳрида туғилган, Наврўз кўчасидаги 49-уйда яшайдиган Ҳабибулло Нейматович Жўраев қидирилмоқда.

У 1991 йилнинг 20 ноябрь куни уйдан «ВАЗ-21063» белгилли Е 8940 КФ рақамли шахсий автомашинасини миниб чиқиб кетганича қайтмаган.

БЕЛГИЛАРИ: бўйи 167—169 см., сочи қора рангда, тик ўсган, кўзлари қорамтир, қошлари ёйсимон, юзи юмалоқ.

УСТ-БОШИ: эгнида кўк рангли жемпер, сариқ рангли куртка, кўк рангли, оқ йўлли трико, оёғида қора рангли туфлиси бор.

АЛОҲИДА БЕЛГИЛАРИ: беллининг чап томонидан 18Х9,5 см. чамасидаги куйишдан қолган чандиқ, ўнг оёғи тиззасининг пастидан 2-2,5 см. ҳажмли холи ва чап қўлининг тирсагидан юқори қисмида тахминан 4 см. узунлида чандиқ бор.

АВТОМАШИНАСИНING БЕЛГИЛАРИ: 1989 йилда ишлаб чиқарилган, сут рангли, двигатель рақами: 0975569, кузов рақами: 2284332, орқа капотининг ўнг томонидан «ОМОН» деб ёзилган, чап томонининг олдинги эшиги озроқ пачоқланган.

Ҳабибулло Жўраев ҳақида (шунингдек, унинг автомашинаси ҳақида ҳам) бирон бир маълумотга эга бўлган фуқаролардан бу ҳақда «02» ёки 4-55-08, 4-48-08, 4-35-66 рақамли телефонлар орқали хабар беришларини сўраймиз.

Қутлимурод
Рўзметов

Бевақт ўлим Қутлимурод Рўзметовни орамиздан юлиб кетди. Ҳаётининг ўттиз тўққизинчи йилида бандаликни бажо келтирди. Қирчиллама ёшида тириклик риштаси қирқилди.

Ун бир йил бўлганди ички ишлар идораларида хизмат қилаётганга. Шу ўтган муддат унинг қандай исос эканлигини кўрсатган эди. Одиллик учун курашди у ўн бир йил. Ун биринчи йилда жиноятчилар билан юзма-юз курашиб жонини фидо қилди.

Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси ва Урганч шаҳар ИИБ жамоаси марҳумнинг онла аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик билдиради. ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ИИБ ВА УРГАНЧ ШАҲАР ИИБ ЖАМОАСИ.

ВАҚТИ ҲАМ,
СОАТИ ҲАМ ЕТДИ

Ҳуқуқ-тартибот идорасининг бир ходими сифатида мени бир нарса ажаблантиради. Биз етмиш йилдан кўпроқ «марказ» таъсирида яшаб келдик. Турган гапки, «қизил империя» қонунлари қонун эди. Унда барча республикалар каби бизнинг ҳам на яшаш тарзимиз, на урф-одатларимиз, иқлими-миз ҳисобга олинганди.

Мен 1982-85 йилларда Россиянинг Архангельск вилоятида хизмат қилгандим. Бунга қарангки, Архангельск, Магадан, Камчатка, Коми ва бошқа ҳудудларда яшаб, хизмат қилувчи ходимларнинг ойлик иш ҳақида қўшимча равишда 180-200 фоиздан устама ҳақ берилиб, бир хизмат йили 2 йилга ҳисобланади.

Тўғри, юқоридаги ҳудудлар ўзининг мураккаб об-ҳавоси билан ажралиб туради. Бироқ доимий гармсел, афғон шамоллари эсувчи, қишда аёз, ёзда қуш учса қанотини, одам юрса оёғини куйдирувчи Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоронинг иқлимлари нимаси билан «марказ»дагилар назарига тушмаган экан? Таназзулга юз тутган Қорақалпоғистон, Хоразм, қолаверса Тошкент вилоятининг Олмалиқ, Чирчиқ, Бекобод каби ҳудудларининг об-ҳавоси у ёқинкидан енгилми?

Тўғри, ҳозир бу борада баъзи ўзгартиришлар қиртилди. Лекин Россия ана шундай имтиёзлардан 1946 йилдан бери фойдаланиб келган бўлса, республика-

мизда у 1991 йилдан қўлланила бошлади.

Едингизда бўлса керак, 1990 йилнинг 31 октябрида республикада милиция ходимларининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳақида қонун қабул қилинди. Бироқ унинг қатор камчиликлари бор.

Биринчидан, қонунда ички ишлар идораларининг ажралмас қисми ҳисобланган ахлоқ-тузатиш муассалари, ўт ўчириш ходимлари ҳақида бирон жумла топилмайд.

Иккинчидан, уни ҳаётга тадбиқ этиш жуда қийин кечмоқда.

Қонунда милиция ходимлари поезд, автоулов, учоқларга патта олишади, меҳмонхоналарга жойлашишда имтиёзлар (?) берилиши ҳақида айтилган. Лекин шу кунгача на бирор автобекатда, шохбекатларда, тайёрагоҳларда ушбу қонуннинг кўчирмасини кўрмадим. Демак, ана шу ташкилотлар бундай қонуннинг борлигидан беҳабар. Бу эса ортқча асаббузарликларга сабаб бўлиб, ички ишлар ходимлари шайнига кераксиз маломатлар ёғдириши турган гап.

Истиқлол йўлига ўтган давлатимиз қонунларни қайтадан кўриб чиқиб, замон руҳига мос, демократик талабларга хос, хизмат низомлари, буйруқлар, қонунлар қабул қилиши зарур.

Чунки бунинг вақти ҳам, соати ҳам етди.

ЧОРН САТТОРОВ.

Яқинда Олмалиқ шаҳрида шаҳар ҳокимияти ИИБ ДАН бўлини маси, автохаваскорлар жамяти ҳамда халқ таълими бўлими ташаббуси билан ёш кўнгилли назоратчилар беллашуви бўлиб ўтди. Унда ўндан ортиқ мактаблар командалари иштирок этиб, йўл ҳаракати қоидалари қай тарзда ўргатилаётганини намойиш этди.

Белгиланган тўртта шартни бажаришда билимдонлик ва маҳорат намуналарини кўрсатган Алишер Навоий номи мактаб ўқувчилари ҳаммадан кўп балл тушлаб, ғолибликни қўлга ки-

КЎНГИЛЛИЛАР
БЕЛЛАШУВИ

ритдилар.

2-ўринни 14-учинчи ўринни эса 22-ва 13-мактаб ўқувчилари эгалладилар.

ИИБ ДАН бўлими ходими, милиция лейтенанти Воҳиджон Абдурахмонов ғолибларга пул ва эсдалик совғалари топширди.

Ҳасан АБДУЛЛАЕВ,
«Олмалиқ ҳақиқати»
рўзномаси муҳбири.

РЎЗНОМА ҲАҚИДА

Рўзноманинг «Изқувар» деб аталишини ҳоҳлардим. Бу ном жуда ҳам мос тушса керак, деб ўйлайман.

ЮСУПХОН КАРИМОВ,
Қашқадарё.

«Постда», менинг десам адашарман, оиламизнинг севимли рўзномаси. Нима қиласизлар ўзгартириб, шусиз ҳам ярашиб турибди-ку.

МОҲИРА НАМЕТОВА,
10-синф ўқувчиси.

МУҲАРРИРИЯТДАН:

«Постда»нинг азиз мухлислари! Рўзномамизнинг бундан буён ҳафтада бир марта чиқиши моддий зарурият туфайли қилинаётганлиги ҳақида аввалроқ сизга хабар қилган эдик. Қўлингизда ҳафталикнинг илк сони ва уни сиз ўқиб чиқдингиз. Агар камчиликларини топан бўлсангиз, таклиф-мулоҳазалар туғилса, ҳеч иккиланмай бизга сим қоқинг ёки икки энлик мактуб йўлланг. Саккизинчи саҳифани сизларнинг мактубларингизга асослашиб тўлдирамиз.

Мақсадимиз-кўплар учун маънавий ҳамроҳга айланган рўзномани сақлаб қолиш. Демоқчимизки, биздан ҳаракат, сиздан баракат. Рўзномалар сотиладиган дўконларда «Постда»га кўзингиз тушганида, йигирма тийинлик қадри қолмаган икки сўмингизнинг баҳридан ўтасиз деб умид қиламиз.

9-автосарой директори А. Қо зихўжаев, ўринбосари О. Назиров, бош муҳандиси В. Собиров, навбатчи механиги Ш. Эргашевлар автобуснинг техник носозлигини била туриб, уни йўлга чиқаришган. Уловнинг ҳамма йилдирак баллонлари юриш мезъидан ошгани сабабли сип-силлик бўлиб қолган. Ҳайдовчи А. Юсупов 1991 йилда икки марта йўл ҳаракати қоидаларини бузганлиги сабабли чора кўриш учун маълумият ҳуқуқига ҳавола этилган. Аммо бу қол жамоа ўртасида муҳокама қилинмаган.

Назаримда қонуний жазога нафақат ҳайдовчи А. Юсуповни, балки лоқайд, масъулиятсиз автосарой раҳбарларини ҳам тортиш керак.

Абдул ҲАКИМИЙ.

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Шу йилнинг 26 февраль куни тонги соат 5 дан 40 дақиқа ўтганда, Фарғона-Чимён йўлининг 8-километрида автохалокат юз берди.

9-автосаройга қарашли «ЛАЗ-695» белгилли автобусни бошқариб бораётган А. Юсупов ёғайтган амбир туфайли улов рулини эпловмай қолди. Натيجида йўлнинг чап томонига чиқиб, рўпарадан келаётган автобус билан тўқнашиб кетди. Шаҳар тўқнашчилик комбинатига ишчиларини ташинётган мажмур автобус бир неча муддатга тўхтаб қолди. Унинг ичиндаги ишчиларнинг 28 нафари турли тан жароҳатлари билан касалхонага юборилди.

Фарғона вилояти ИИБда тузилган махсус комиссия автохалокат сабабларини ўрганиб, қуйидаги хулосага келди.